

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

13-сон
(877)
2019 йил
30 март

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

238. «Ветеринария ва чорвачилик соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 мартдаги ПФ-5696-сон Фармони
239. «Ўзбекистон Республикасида электр энергетика тармоғини янада ривожлантириш ва ислох қилиш стратегияси тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 мартдаги ПҚ-4249-сон қарори
240. «Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 мартдаги ПҚ-4254-сон қарори

Учинчи бўлим

241. «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги

Тиббий-ижтимоий хизматлар агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 мартдаги 252-сон қарори

242. «Ижтимоий эҳтиёжманд оилаларнинг иқтидорли фарзандларини узлуксиз таълим олишини моддий ва маънавий жихатдан қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 28 мартдаги 257-сон қарори

Бешинчи бўлим

243. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2019 йил 28 февралдаги 1-мб-сон «2019 йил учун давлат статистика ҳисоботи шаклларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 25 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3083-1*)
244. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 16 февралдаги 3/7-сон «Тижорат банклари томонидан норезидентларнинг Ўзбекистон Республикаси миллий валютасидаги ҳисобварақларини юритиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 25 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 510-5*)
245. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 16 февралдаги 3/6-сон «Тижорат банклари томонидан чет эл валютасидаги ҳисобварақларни юритиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 25 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 511-12*)
246. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 5 февралдаги 12-сон «Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (10-сонли БҲС) «Алмашув операцияларидан олинадиган даромадлар»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 25 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3145*)
247. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 27 февралдаги 27-сон «Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолияти миллий стандарти (90-сон АФМС) «Аудиторлик ташкилотларининг касбга доир хизматлари»нинг 15-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 25 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1017-1*)
248. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 27 февралдаги 24-сон «Ўзбекистон Республикаси Аудитнинг миллий стандарти (16-сонли АМС) «Эксперт ишидан фойдаланиш»нинг 19.3-бандига ўзгартириш ки-

ритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 25 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 816-1*)

249. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 27 февралдаги 26-сон «Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолияти миллий стандарти (80-сон АФМС) «Махсус саволни текшириш натижалари бўйича аудитор ҳисоботи»нинг 6-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 25 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1220-2*)
250. Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг 2019 йил 7 мартдаги 1-сон «Чипта-ҳисоб ва йўл варақасини тўлдириш бўйича йўриқномага ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 25 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1282-4*)
251. Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг 2019 йил 7 мартдаги 2-сон «Дарё транспортини техник ишлатиш қоидаларига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 25 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 990-6*)
252. Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг 2019 йил 7 мартдаги 3-сон «Ташувчиларнинг юк автомобиллари учун йўл варақалари, товар-транспорт юкхатларини тайёрлаш, ҳисобга олиш, тўлдириш ва қайта ишлаш бўйича йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 25 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1382-1*)
253. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 18 февралдаги 01-мх-сон «Туристик йўлланма (ваучер)нинг намунавий шаклини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 26 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3146*)
254. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 16 мартдаги 5/7-сон «Юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидаларининг 13-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 28 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2687-2*)
255. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Капитал бозорини ривожлантириш агентлигининг 2019 йил 16 мартдаги 299-В-3, 2019-18-3-сон «Банкларнинг қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси, инвестиция активларини бошқарувчи ва инвестиция консултанти сифатида касбий фаолиятни амалга оширишига оид талаблар тўғрисидаги низомнинг 1-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори

(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 28 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1782-3)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2019 йил 25 мартдан 29 мартгача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

238 Ветеринария ва чорвачилик соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Мамлакатимизда чорва моллари ва паррандалар бош сонини барқарор оширишни таъминлаш, ветеринария назоратини кучайтириш ва ветеринария хизматлари сифатини ошириш, ҳайвонларнинг соғлиғини ҳимоя қилишни самарали ташкил этиш, эпизоотик осойишталик ва озик-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, чорва молларининг наслини яхшилаш, озуқа базасини мустаҳкамлаш, наслчилик йўналишидаги чорвачилик хўжаликлари фаолиятини ҳамда чорвачилик маҳсулотларини етиштиришда йирик тадбиркорлик субъектлари кўпайтирилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш талаб этилмоқда.

Республикада наслчилик-селекция ишларини юритишнинг илмий асосланган инновацион услубларини жорий этиш, сунъий уруғлантиришни тизимли ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари орасидаги эпизоотик осойишталик ҳамда озик-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси этиб қайта ташкил этилсин ва қуйидагилар унинг асосий вазифалари сифатида белгилансин:

ветеринария, чорвачилик ва наслчилик соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, ушбу соҳада давлат, хўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўзаро ҳамкорлигини мувофиқлаштириш, ветеринария фаолиятини лицензиялашни амалга ошириш;

ветеринария соҳаси ва чорвачиликнинг барча тармоқларини, шу жумладан қорамолчилик, қўйчилик, қорақўлчилик, эчкичилик, йилқичилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик ва қўёнчиликни ривожлантириш, наслчилик-селекция ишларини мувофиқлаштириш ҳамда ушбу йўналишлар бўйича мақсадли давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

мамлакат ҳудудларини ҳайвонларнинг юқумли касалликлари кириб келишидан ҳимоя қилишни таъминлаш, амалиётга ҳайвонларни даволашнинг

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 29 мартда эълон қилинган.

ва профилактикасининг замонавий усулларини жорий этиш, маҳаллий ва хорижий фан ютуқларини татбиқ этиш асосида ветеринария дори воситаларининг янги турлари ва шаклларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

эпизоотик осойишталикни таъминлашда ҳайвонларнинг юқумли касалликларини ўз вақтида аниқлаш, ташхис қўйиш ва тарқалишининг олдини олишга доир профилактика ишларининг самарадорлигини мониторинг қилиш;

чорвачилик ва наслчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ягона механизмларини амалга ошириш, чорвачилик хўжаликларига озуқа етиштириш учун ажратилган ер майдонларида чорва озуқа экинларини жойлаштиришни ташкил этиш ҳамда юқори ҳосилдорликка эришишни мониторинг қилиш;

чорвачилик тармоқларида ҳайвонларни идентификация қилиш, уларни ҳисобга олиш, ҳисобдан чиқариш ва сақлаш ишларини ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини зоти бўйича районлаштириш;

ветеринария ва наслчилик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши ҳамда ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчаларнинг сифати ва муомаласи юзасидан давлат назоратини амалга ошириш;

ветеринария ва наслчилик-селекция соҳаларида илмий, услубий ва таълим салоҳиятини ҳар томонлама ривожлантириш, илмий тадқиқотлар йўналишларини белгилаш, фундаментал ва амалий тадқиқотлар, инновация ишланмалари натижаларини ветеринария ва наслчилик-селекция амалиётига жорий этилишини мувофиқлаштириш;

чорвачилик маҳсулотларини халқаро талабларга мувофиқ сертификатлаштириш ва стандартлаштиришни таъминлаш, сифат менежментининг замонавий усулларини кенг жорий этиш, ветеринария ва чорвачилик соҳаларига хорижий инвестициялар ва грант маблағларини жалб қилиш;

соҳа кадрларини тизимли тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш, раҳбар ҳамда мутахассисларнинг иш услуби ва шаклларини такомиллаштириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Фанлар академияси таркибидаги, қуйидаги муассасалар Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси таркибига ўтказилишига розилик берилсин:

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Самарқанд ветеринария медицинаси институти ва унинг қошидаги академик лицей;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш марказининг Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти, Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти ҳамда Балиқчилик илмий-тадқиқот институти.

3. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси эпизоотик осойишталикни таъминлаш, ҳайвонларнинг юқумли касалликларини ўз вақтида аниқлаш, ташхис қўйиш ва тарқалишининг олдини олиш, чорвачиликнинг барча тармоқларини ва наслчиликни ривожлантириш учун масъул давлат бошқарув органи ҳисобланади.

4. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитасининг барча ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари, шу жумладан халқаро шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этилиши мажбурий ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, унинг тизими ва ҳудудий ташкилотларини молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, бюджетдан ташқари жамғармалар ва қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

5. Илмий-тадқиқот ишлари, қўмита тизимидаги ташкилотларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, соҳа кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, шунингдек ходимларни моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузурида Ветеринария хизмати ва чорвачиликни ривожлантириш жамғармаси ташкил этилсин.

Ветеринария хизмати ва чорвачиликни ривожлантириш жамғармасини шакллантириш манбалари этиб:

Давлат чегараси ва транспортда давлат ветеринария назорати бошқармасининг ҳамда Ветеринария дори воситалари, озуқабоп қўшимчалар сифати ва муомаласи назорати бўйича Давлат илмий марказининг хизматлар кўрсатишдан тушадиган маблағларнинг 75 фоизи;

чорвачилик фермер хўжаликларига сотиладиган уруғлар, сунъий уруғлантириш хизматини кўрсатишдан тушадиган маблағлар;

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар белгилансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Чорвачилик, паррандачилик ва асаларичилик бошқармаси, Балиқчилик бошқармаси ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмалари негизида Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузурида фаолият кўрсатадиган «Ўзбекчорванасл» агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб юритилади) ташкил этилсин.

7. Агентликнинг асосий вазифалари этиб қўйидагилар белгилансин:

чорвачилик тармоғини ривожлантириш, сунъий уруғлантиришни ташкил этиш, наслчилик-селекция ишларини такомиллаштириш, чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш, чорва озуқа базасини мустаҳкамлаш;

чорвачиликда соф генофондни сақлаб қолиш ва ривожлантириш, илмий-тадқиқот муассасалари томонидан ишлаб чиқилган наслчилик-селекция дастурларини амалиётга татбиқ этиш ва мувофиқлаштириш;

чорвачиликда наслдорлик ва маҳсулдорлик сифатларини яхшилаш мақ-

садида наслчилик ресурсларини яратиш, сақлаш, такрор кўпайтириш ва улардан оқилона фойдаланиш;

озуқабоп экинларни етиштириш учун ажратилган ер участкаларида ушбу экинлар етиштирилишини мониторинг қилиш.

8. Белгилансинки, 2020 йил 1 январдан бошлаб:

чорва моллари бош сони 100 шартли ва ундан ортиқ бўлган чорвачилик ҳамда паррандалар сони 100 минг бош ва ундан юқори бўлган паррандачиликка ихтисослашган хўжаликларда алоҳида штат асосида ветеринария врачлари ва зоотехник мутахассисларнинг фаолият юритиши жорий этилади;

қорамолчилик йўналишидаги хўжаликлар (бўрдоқчилик хўжаликлари бундан мустасно) ҳамда аҳоли қарамовидаги сигирлар Агентлик томонидан ишлаб чиқилган селекция режасига асосан мазкур ҳудуд учун бириктирилган зотдаги насли буқалар уруғи билан сунъий уруғлантирилади;

туман ҳокимликлари ҳар йилнинг 1 декабрига қадар Агентликнинг ҳудудий бўлинмалари билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига фермер хўжаликлари кесимида келгуси йил учун озуқа экинларини жойлаштириш режасини тақдим этади;

шахсий ёрдамчи, деҳқон хўжаликлари ва аҳоли хонадонларидаги сигирларни сунъий уруғлантириш учун фойдаланиладиган наслдор буқаларнинг музлатилган уруғи ва кимё корхоналари томонидан етказиб бериладиган суюқ азот харажатларини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплашга рухсат этилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини белгиланган тартибда киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

11. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 28 март,
ПФ–5696-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**239 Ўзбекистон Республикасида электр энергетика тармоғини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида***

Электр энергетика тармоғининг ишончли фаолият юритишини таъминламасдан туриб иқтисодиёт тармоқлари ва мамлакат ҳудудларининг саноат салоҳиятини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни рағбатлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш ва ҳаёт сифатини яхшилашга эришиб бўлмайди.

Замонавий шароитларда электр энергетика тармоғида рақобат муҳитини ривожлантириш ва инвестицияларни жалб қилиш электр энергиясини ишлаб чиқариш ва етказиб бериш соҳасидаги фаолиятнинг институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштириш зарурлигини тақозо этмоқда.

Электр энергетика тармоғини ислоҳ қилиш бўйича вазифаларнинг амалий ижросини таъминлаш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий ислоҳотлар концепциясида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида:

1. Жаҳон банкининг республика электр энергетика тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисидаги, шу жумладан ишлаб чиқариш жараёнларини оптималлаштиришни назарда тутувчи таклифи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлигининг электр энергияни ишлаб чиқариш, етказиш, тақсимлаш ва сотишни ташкил этишнинг замонавий услубларига мувофиқ, қўйидагилар орқали «Ўзбекэнерго» АЖни қайта ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

а) иссиқлик электр станциялари ҳамда электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқарувчи электр марказларини бошқарувчи «Иссиқлик электр станциялари» акциядорлик жамиятини ташкил этиш;

б) «Ўзбекэнерго» АЖнинг тугатилаётган «Ўзэлектртармоқ» УК ва «Энергосотиш» филиали негизида қўйидагиларни амалга оширувчи «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятини ташкил этиш:

республиканинг магистраль электр тармоқларидан фойдаланиш ва уларни ривожлантириш;

электр энергияни республиканинг магистраль электр тармоқлари орқали етказиб бериш ва давлатлараро транзитни амалга ошириш;

электр энергияни экспорт ва импорт қилиш, шунингдек, қўшни давлатларнинг электр энергетика тизими билан ҳамкорлик қилиш;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 28 мартда эълон қилинган.

электр энергияси ишлаб чиқарувчи, шу жумладан хусусий капитал иштирокидаги корхоналарни, шунингдек, магистраль ва ҳудудий электр тармоқларини ягона оператив-диспетчерлик бошқариш;

электр энергияси ишлаб чиқарувчи, шу жумладан хусусий капитал иштирокидаги корхоналардан электр энергиясини ягона харид қилувчи функциясини бажариш, шунингдек, электр энергияни ҳудудий электр тармоқлари корхоналарига сотиш;

в) электр энергияни якуний истеъмолчиларга тақсимловчи ва сотувчи ҳудудий электр тармоқлари корхоналарини бошқаришни амалга оширувчи «Ҳудудий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятини ташкил этиш;

г) «Ўзбекэнерго» АЖ таркибига кирувчи айрим хўжалик жамиятлари ҳамда корхоналарини 1-иловага* мувофиқ қайта ташкил этиш ва тугатиш;

д) «Ўзбекэнерго» АЖ ва унинг таркибига кирувчи ташкилотларнинг соҳага оид бўлмаган ва фойдаланилмаётган активлари ва улушларини 2-иловага* мувофиқ уларни кейинчалик 2019 — 2021 йиллар давомида белгиланган тартибда сотиш мақсадида баланс қиймати бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига бериш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

янги ташкил этиладиган «Иссиқлик электр станциялари», «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» ва «Ҳудудий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятларининг дастлабки устав капиталларини шакллантириш 3 — 5-иловаларда* кўрсатилган хўжалик жамиятлари устав капиталидаги давлат ва «Ўзбекэнерго» АЖ активлари ва улушларини бериш ҳисобига амалга оширилади;

«Ўзбекэнерго» АЖ ва унинг таркибига кирувчи ташкилотларнинг 2-иловада кўрсатилган активлари ва улушларини Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига бериш баланс қиймати бўйича давлат ва «Ўзбекэнерго» АЖ улушини камайтириш ҳисобига амалга оширилади;

активлар, акциялар пакетлари ва улушлар янги ташкил этиладиган акциядорлик жамиятларига уларнинг устав капиталида давлат улушини шакллантириш (ошириш) ҳисобига берилади;

«Иссиқлик электр станциялари», «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» ва «Ҳудудий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятлари устав капиталларидаги давлат акциялари пакетлари бўйича акциядор ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 октябрдаги ПҚ–3981-сон қарори билан ташкил этилган Электр энергетикаси тармоғини ислоҳ қилиш бўйича комиссия ишчи органи сифатида бошқарув ходимларининг чекланган штат бирликлари 20 нафардан иборат бўлган, бюджетдан ташқари Ёқилғи-энергетика тармоғини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги қошида Лойиха офиси (кейинги ўринларда — Лойиха офиси) ташкил этилсин.

* 1 — 5-илвалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Белгилансинки, Лойиҳа офисига Ўзбекистон Республикаси энергетика вазирининг электр энергетика тармоғини назорат қилувчи ўринбосари бошчилик қилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда: ҳар бир тадбирни амалга оширишнинг аниқ муддатлари ва ижрочиларини кўрсатиб ўтган ҳолда, шу жумладан «Ўзбекэнерго» АЖнинг қайта ташкил этиладиган корхоналарининг активлари ва мажбуриятларини хатловдан ўтказишни назарда тутган ҳолда «Ўзбекэнерго» АЖ ва унинг таркибига кирувчи ташкилотларни қайта ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар режасини тасдиқласин;

Лойиҳа офиси фаолиятини унинг таркибига электр энергетика тармоғини ислоҳ қилиш соҳасидаги халқаро ва маҳаллий экспертлар ҳамда мутахассисларни жалб этиш орқали ташкил қилишни таъминласин;

2030 йилга қадар электр энергетика тармоғида, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантириш ва йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш дастурларини тасдиқласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги:

2019 йил 1 майга қадар — энергия ресурсларининг таннархини пасайтириш ва йўқотишларни камайтириш бўйича мақсадли кўрсаткичлар (индикаторлар)ни, шунингдек уларга эришишнинг босқичма-босқич механизмларини кўрсатган ҳолда 2019-2020 йилларда «Иссиқлик электр станциялари», «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» ва «Худудий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини;

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 июнга қадар — ресурсларни бошқариш, ишлаб чиқариш ва бошқариш жараёнларини автоматлаштириш тизимини (ERP) диспетчерлик бошқаруви ва маълумотларни йиғиш дастурий-аппарат комплекси (SCADA)ни жорий этиш, шунингдек электр энергияни назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизими (ЭХНАТ)ни жорий этиш бўйича лойиҳани амалга оширишни жадаллаштириш ишларининг аниқ тадбирлари, муддатлар ва молиялаштириш манбаларини назарда тутган ҳолда 2019 — 2021 йилларда электр энергетика тармоғини рақамлаштириш бўйича комплекс дастурни;

Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги билан биргаликда 2019 йилнинг 1 сентябрга қадар — 2020 — 2030 йилларда мамлакатнинг ёқилғи-энергетика таъминоти концепциясини (кейинги ўринларда — Концепция);

Концепция қабул қилинган кундан бошлаб бир ой муддатда Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда Осиё тараққиёт банкининг техник кўмаги — иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолининг электр энергияга бўлган истиқболдаги талаб-эҳтиёжлари прогнозларини инобатга олган ҳолда 2030 йилга қадар электр энергетика тармоғида ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантириш

ҳамда йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш дастурларига аниқликлар ва қўшимчалар киритиш;

Қурилиш вазирлиги билан биргаликда халқаро молия институтлари, консалтинг компаниялари, ихтисослаштирилган лойиҳа институтларининг техник кўмагида 2019 йил 1 декабрга қадар — илғор жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда электр энергетика объектларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилишни техник бошқариш соҳасида қурилиш нормалари ва қоидаларини, стандартларини, норматив ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Молия вазирлиги Энергетика вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан биргаликда халқаро молия институтлари ва консалтинг компанияларининг техник кўмагида 2019 йил 1 майга қадар электр энергия тарифларини белгилаш методологиясини такомиллаштириш бўйича ҳукумат қарори лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин, унда электр энергияни ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлашда эксплуатацион, операцион ва инвестицион сарф-харажатлар тўлиқ қопланишини, шунингдек, электр энергетика тармоғи корхоналари рентабеллигининг чегараланган нормаси белгиланиши назарда тутилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги уч ой муддатда белгиланган тартибда:

«Иссиқлик электр станциялари», «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» ва «Худудий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятларининг устав капиталлари шакллантирилишини ва уларнинг таъсис ҳужжатлари тасдиқланишини;

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги билан биргаликда «Иссиқлик электр станциялари», «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» ва «Худудий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятларининг раҳбарлик лавозимларига зарур тажриба ва амалий кўникмаларга эга бўлган юқори маалали мутахассислар, шу жумладан хорижий мутахассислар жалб этилишини таъминласин.

9. Белгилаб қўйилсинки:

ушбу қарорнинг 2-иловасида кўрсатилган активларни сотишдан тушадиган маблағлар Давлат активларини бошқариш, трансформация қилиш ва хусусийлаштириш бўйича жамғарма тасарруфида қолдириладиган маблағлар бундан мустасно бўлган ҳолда «Иссиқлик электр станциялари» АЖнинг устав капиталига давлатнинг хиссаси сифатида қўшилади ва ушбу маблағлар иссиқлик электр станциялари ва электр марказлари томонидан жалб этилган Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) кредитларини «Иссиқлик электр станциялари» АЖнинг улушини уларнинг устав капиталларида кўпайтириш ҳисобига сўндиришга мақсадли йўналтирилади;

мазкур қарорга мувофиқ хўжалик жамиятларининг бир ташкилотдан бошқа бир ташкилотга ўтказилаётган мулки, мулкӣ ҳуқуқлари, жумладан устав капиталдаги акциялари ва улушлари қиймати, шу жумладан уларни

қайта ташкил этиш ва тугатиш чоғида солиққа тортишнинг барча турлари бўйича солиқ солиш объекти ҳисобланмайди;

Агентлик ва янги ташкил этиладиган «Иссиқлик электр станциялари», «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» ва «Худудий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятларининг «Ўзбекэнерго» АЖ тузилмасидаги ташкилотларга қарашли юридик шахслар акцияларининг 50 фоизи ва ундан кўпроғига эгалик қилганида мазкур ташкилотларнинг қайта ташкил этилиши янгидан сотиб олинган акциялар пакети деб ҳисобланмайди;

янгидан ташкил этиладиган «Иссиқлик электр станциялари», «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» ва «Худудий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятларининг устав капиталларини шакллантириш акциядорлик жамиятларининг устав капиталларига қўшилаётган мулкнинг баланс қиймати бўйича амалга оширилади, кейинчалик мазкур мулкнинг баланс ва бозор қийматлари ўртасидаги тафовут уларнинг устав капиталларига киритилади;

«Ўзбекэнерго» АЖнинг амалдаги шартномалари бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шу жумладан «Ўзбекэнерго» АЖ «Энергосотиш» филиалининг электр энергияни харид қилиш ва сотиш билан боғлиқ дебитор ҳамда кредитор қарздорлиги, ушбу қарорнинг 15-бандида назарда тутилганларидан ташқари, «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ тасарруфига ўтади.

10. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигининг «Қишлоқэнерголойиҳа» АЖ негизида инновацион технологиялар ва ҳозирги замон илм-фани ютуқларини қўллаган ҳолда 0,4 кВдан 500 кВгача кучланишли барча типдаги электр тармоқларини лойиҳалаштирадиган замонавий кўп тармоқли «Ўзэнергоинжиниринг» АЖ лойиҳа ташкилотини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда «Ўзэнергоинжиниринг» АЖни замонавий техника ва ҳисоблаш воситалари, аппарат дастурий маҳсулотлари билан қўшимча жиҳозлаш учун халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг молиявий маблағлари, шу жумладан грантлари ва қарз маблағлари жалб этилишини назарда тутувчи «Йўл харитаси»ни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

11. Истисно тариқасида, 2021 йил 1 январга қадар:

«Иссиқлик электр станциялари», «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» ва «Худудий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятларига ҳамда уларнинг таркибига кирувчи ташкилотларга — «Ўзбекэнерго» АЖ таркибидан чиқариладиган, шунингдек, унинг тузилмасига киритилладиган хўжалик юритувчи жамиятлар билан хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш) юзасидан;

иссиқлик электр станциялари ва электр марказларига — Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги «Лойиҳалар ва импорт контрактларни комплекс экспертизадан ўтказиш маркази» ДУКда экспертизадан ўтказилган техник топшириқларга мувофиқ таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун зарур эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмларни харид қилишга уларнинг максимал қиймати кўрсатилган ҳолда тайёрловчи корхоналар билан ҳар йили

амал қилиш муддати бир календарь йилидан ошмайдиган муддатга тўғридан-тўғри шартномалар тузишга рухсат берилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ва Жамғарманинг «Ўзбекэнерго» АЖнинг инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун илгари назарда тутилган 318,4 миллион АҚШ доллари миқдорига Жамғарма маблағларидан фойдаланишни лойиҳалар қийматини оптималлаштириш ҳамда уларни 6-иловага* мувофиқ халқаро молия институтларидан жалб қилинадиган қарз маблағларига алмаштириш ҳисобига қисқартириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

13. «Иссиқлик электр станциялари», «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» ва «Худудий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятлари:

эмиссия қилинадиган қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатига олиш ва қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги ҳужжатларни кўриб чиқиш учун йиғимлар;

қайта ташкил этиладиган ташкилотларнинг топшириладиган автотранспорт воситаларини қайтадан рўйхатга олишда автотранспорт йиғимлари тўлашдан озод қилинсин.

14. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2019 йил 1 июлдан бошлаб:

қуввати 10 МВтдан кўпроқ энергия истеъмол қиладиган саноат корхоналарини қуриш ва ер майдонлари ажратиш тўғрисидаги қарор қабул қилинганга қадар республика худудларида жойлаштириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда фақат Энергетика вазирлиги билан келишган ҳолда амалга оширилади;

хусусий инвестициялар, шу жумладан хорижий инвестициялар ҳисобига ташкил этилган мустақил ишлаб чиқарувчилардан электр энергияни харид қилиш танлов асосида (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинган лойиҳалар бундан мустасно) ҳосил қилинаётган электр энергиянинг максимал қиймати кўрсатилган ҳолда амалга оширилади.

15. Белгилаб қўйилсинки:

инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва айланма маблағларни тўлдириш учун «Ўзбекэнерго» АЖга берилган кредитлар ва қарзларни «Иссиқлик электр станциялари», «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» ва «Худудий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятларига ҳамда уларнинг таркибига кирувчи корхоналарга, шунингдек, «Ўзбеккўмир» АЖга қайта расмийлаштириш 7 ва 8-иловаларга* мувофиқ амалга оширилади;

«Ўзбекэнерго» АЖ ва унинг «Энергосотиш» филиалининг «Ўзбекэнерго» АЖ ҳамда 9 ва 10-иловаларга* мувофиқ унинг таркибига кирувчи жамиятлар томонидан жалб этилган кредитлар бўйича кафилликлари белгиланган тартибда «Иссиқлик электр станциялари», «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари», «Худудий электр тармоқлари» ва «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятларига қайта расмийлаштирилиши лозим;

«Иссиқлик электр станциялари», «Ўзбекистон миллий электр тармоқ-

* 6 — 10-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лари» ва «Худудий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятлари «Ўзбекэнерго» АЖнинг инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, шу жумладан иссиқлик электр станциялари ва электр марказларида, худудий электр тармоқлари корхоналарида, «Ўзэлектртармоқ» УҚда лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳлари ҳамда 11-иловага* мувофик, қайта ташкил этилган санада унинг молиявий ҳисоботида акс этирилган активлари ҳамда мажбуриятларининг ҳуқуқий ворислари ҳисобланади.

16. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгаришларга мувофик:

тижорат банклари ва Жамғарма билан биргаликда «Ўзбекэнерго» АЖ томонидан инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун жалб этилган кредит мажбуриятларининг янгидан ташкил этилаётган «Иссиқлик электр станциялари», «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» ва «Худудий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятлари ҳамда уларнинг таркибига кирувчи корхоналарга қайтадан расмийлаштирилишини таъминласин;

«Ўзбекэнерго» АЖнинг мажбуриятлари бўйича илгари берилган давлат кафолатларига ўзгартиришлар киритсин.

17. Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Энергетика вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 июлга қадар республикада фойдаланилаётган электр энергетика объектлари учун ускуналар, бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада кенгайтириш дастурини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

19. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси — энергетика вазири А.С. Султонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 27 март,
ПҚ-4249-сон

* 11-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**240 Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 мартдаги «Ветеринария ва чорвачилик соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5696-сон Фармони ижроси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини самарали ташкил этишни таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг ташкилий тузилмаси 1-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси тизимига кирувчи ташкилотлар рўйхати 2-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг бошқарув ходимлари чекланган сони 63 нафардан иборат бўлган марказий аппарати тузилмаси 3-иловага** мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси тузилмаси, вилоятлар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаларининг намунавий тузилмалари 4 ва 5-иловаларга** мувофиқ;

Тошкент шаҳар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармасининг тузилмаси ва унинг тузилмасига кирувчи муассасалар рўйхати 6-7-иловаларга** мувофиқ;

туманлар (шаҳарлар) ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимларининг намунавий тузилмалари 8-иловага** мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар туманлари (шаҳарлари) ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимлари тузилмасига кирувчи муассасалар рўйхати 9-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ҳузуридаги «Ўзбекчорванасл» агентлигининг ташкилий тузилмаси 10-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ҳузуридаги «Ўзбекчорванасл» агентлиги марказий аппаратининг тузилмаси 11-иловага** мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар «Чорванасл» марказларининг намунавий тузилмаси 12-иловага** мувофиқ;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 29 мартда эълон қилинган.

** 1 — 12-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Республика ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат марказининг тузилмаси 13-иловага* мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат марказларининг намунавий тузилмаси 14-иловага* мувофиқ;

туманлар (шаҳарлар) ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат марказларининг намунавий тузилмаси 15-иловага* мувофиқ;

туманлар (шаҳарлар) ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат марказлари тузилмасига кирувчи муассасалар рўйхати 16-иловага* мувофиқ;

Давлат чегараси ва транспортда давлат ветеринария назорати бошқармасининг тузилмаси 17-иловага* мувофиқ;

Ветеринария дори воситалари, озуқабоп қўшимчалар сифати ва муомаласи назорати бўйича Давлат илмий марказининг тузилмаси 18-иловага* мувофиқ;

Ветеринария илмий-тадқиқот институти, Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти, Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти ҳамда Балиқчилик илмий-тадқиқот институтининг тузилмалари 19 — 22-иловаларга* мувофиқ;

2019 — 2021 йилларда чорва моллари бош сони, гўшт ва сут ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш бўйича прогноз кўрсаткичлари 23-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раисига:

зарур ҳолларда қўмита ва унинг тизимидаги ташкилотларнинг барча ташкилий тузилмасига ходимларнинг белгиланган умумий штатдаги сони доирасида ўзгартиришлар киритиш;

қўмитанинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан бошқарув ходимларининг қўшимча штат бирликларини жорий этиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, илмий ва таълим муассасалари юқори малакали мутахассисларини, шунингдек халқаро ташкилотлар ва экспертларни консультант сифатида жалб этиш;

малакали хорижий мутахассисларни ишга қабул қилиш ва уларга иш ҳақи миқдори ва бошқа тўловларни чет эл валютасида белгилаш ҳуқуқи берилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимига биноан белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

* 13 — 23-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси хузуридаги «Ўзбекчорванасл» агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб юритилади) бош директори лавозимига кўра Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг ўринбосари ҳисобланади;

Агентлик бош директорининг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг тақдимиغا биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан лавозимига тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

«Қорақўлчилик» Республика уюшмаси, «Паррандасаноат» уюшмаси, «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси ва «Ўзбекистон асаларичилари» уюшмаларининг раислари ва уларнинг ўринбосарлари муассисларнинг умумий йиғилиши қарорлари билан сайланади ва Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг тақдимиغا биноан Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади;

Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси раиси Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси билан келишилган ҳолда лавозимига тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

вилоятлар ва Тошкент шаҳар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаларининг бошлиқлари Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси томонидан вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг тақдимиغا биноан лавозимига тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

туманлар (шаҳарлар) ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимлари бошлиқлари Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаларининг бошлиқлари томонидан туман (шаҳар) ҳокимларининг тақдимиغا биноан лавозимига тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг раиси Ўзбекистон Республикасининг Бош давлат ветеринария инспектори, унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикасининг Бош давлат ветеринария инспекторининг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг Давлат ветеринария назорати бошқармаси ветеринар мутахассислари ўз ваколатлари доирасида давлат ветеринария инспекторлари ҳисобланади;

Давлат чегараси ва транспортда давлат ветеринария назорати бошқармаси бошлиғи давлат чегараси ва транспортда бош давлат ветеринария инспектори, унинг ўринбосарлари эса Давлат чегараси ва транспортда бош давлат ветеринария инспекторининг ўринбосарлари ҳисобланади;

Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаларининг бошлиқлари Қорақалпоғистон

Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош давлат ветеринария инспекторлари, уларнинг ўринбосарлари эса тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош давлат ветеринария инспекторларининг ўринбосарлари ҳисобланади;

туманлар (шаҳарлар) ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимларининг бошлиқлари тегишлича туманлар (шаҳарлар) бош давлат ветеринария инспекторлари ҳисобланади;

ветеринария участкалари ва бозорлар ветеринария-санитария экспертиза лабораториясининг мудирлари тегишлича участка ва бозорларда давлат ветеринария инспекторлари ҳисобланади;

Давлат чегараси ва транспортда ветеринария назорати ветеринария пунктларининг (участкаларнинг) бошлиқлари ва ветеринар врачлари тегишлича Давлат чегараси ва транспортда ветеринария назорати ветеринария пунктларининг (участкаларнинг) давлат ветеринария инспекторлари ҳисобланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг «O'ZNASLCHILIK» ва «Ўззооветтаъминотхизмат» давлат корхоналари Агентлик таркибига ўтказилсин.

5. Агентлик ўз фаолиятини «Қоракўлчилик» Республика уюшмаси, «Парандасаноат» уюшмаси, «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси ва «Ўзбекистон асаричилари» уюшмаси билан ҳамкорликда олиб боради.

6. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси икки ой муддатда қўйидагиларни ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда мавжуд чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларнинг, шу жумладан кўп тармоқли хўжаликларнинг мавжуд қувватларини хатловдан ўтказиб, уларни етишмайдиган ўрнини насли қорамоллар билан тўлдириш бўйича дастурни;

Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Адлия вазирлиги билан биргаликда наслчилик хўжаликларига етиштирилган ва Агентлик ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан импорт қилинган ва қишлоқ хўжалиги корхоналарига сотилган ҳар бир бош наслдор қорамол учун субсидия бериш тартибини;

Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Адлия вазирлиги билан биргаликда аҳоли хонадонларида ва чорвачилик йўналишида фаолият кўрсатадиган хўжалик юритувчи субъектларда парвариш қилинаётган чорва молларини суғурталаш тартибини.

7. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг:

Самарқанд ветеринария медицина институтининг Тошкент филиалини ташкил этиш;

Молия вазирлигининг ветеринария участкаларидаги 1 500 нафар ходимларга қўшимча равишда чорва моллари наслини яхшилаш ва сунъий уруғлантириш вазифаси юклатилаётганлигини инобатга олиб, уларнинг тариф разрядларини 3 разрядга ошириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

8. Агентлик ижро аппарати ва унинг ҳудудий бўлинмалари фаолияти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, маҳаллий бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

9. Агентликнинг бош директори, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар «Чорванасл» марказлари директорларига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда ҳар йили наслчилик иши ва сунъий уруғлантиришни ташкил қилиш учун 1 500 тагача ишчиларни шартнома асосида жалб қилиш ваколоти берилсин.

Бунда, жалб қилинадиган ишчилар Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси томонидан 12 ойлик шартнома асосида ишсизлар ва банд бўлмаган шахслар сифатида жамоат ишларига жалб қилинади ва уларнинг иш ҳақи жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

10. Агентлик ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан аҳоли, шахсий ёрдамчи, деҳқон ва чорвачилик йўналишидаги хўжалик юритувчи субъектларга кўрсатиладиган хизматлардан ҳамда насли чорва молларини республикага импорт қилиб сотишдан тушган маблағлар солиқ солинадиган базага киритилмайди.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Агентлик билан биргаликда бир ой муддатда ҳар бир туманда ташаббускорларни аниқлаб:

ички истеъмол бозорини сифатли гўшт ва гўшт маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, гўшт нархининг барқарорлигини сақлаш мақсадида 2019 — 2021 йилларда ҳар бир туманда қорамолларни бўрдоқига боқишга ихтисослашган камида иккитадан 300 — 500 бошга мўлжалланган замонавий комплексларни;

ички истеъмол бозорини сифатли сут ва сут маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, сут нархининг барқарорлигини сақлаш мақсадида ҳар бир туманда камида иккитадан 250 — 300 бошга мўлжалланган сут йўналишидаги корхоналарни ташкил этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқсин.

12. Агентлик, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ва туманлар ҳокимликлари:

мазкур қарорнинг 23-иловасига мувофиқ 2019 — 2021 йилларда чорва моллари бош сони, гўшт ва сут ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш бўйича прогноз кўрсаткичлари бажарилишини таъминлаш;

чорвачилик хўжаликларидаги мавжуд чорва моллари учун ажратилган ер майдонларини икки ой муддатда хатловдан ўтказсин ва улардан самарали фойдаланишнинг ҳолатини ҳар бир хўжалик кесимида алоҳида ўрганиб чиқсин, ўрганишлар натижаси бўйича мавжуд шартли мол бош сонига нисбатан тафовут аниқланганда, ортиқча ер майдонларидан самарали фойдаланиш юзасидан барча чора-тадбирларни амалга оширсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Агентлик «Халқ банки», «Алоқа банк», «Ўзсаноатқурилишбанк» ва «Ипотека банк» акциядорлик тижорат банклари билан биргаликда чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик ва балиқчилик

йўналишидаги лойиҳаларни амалга оширишни самарали ташкил этиш бўйича доимий ҳамкорликда фаолият олиб борсинлар.

14. Агентлик Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда пахта ва ғалла экин майдонларига алмашлаб экиладиган чорва озуқаси учун беда экини тўлиқ экилишини ташкил этсин ҳамда етиштириладиган ҳосилни чорвачилик хўжаликлари ва аҳолига тизимли етказишни таъминласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомни;

«Ўзбекчорванасл» агентлиги тўғрисидаги низомни;

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария хизмати ва чорвачиликни ривожлантириш жамғармасининг маблағларидан фойдаланиш ва шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

16. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Агентлик Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21а-уй манзилига жойлаштирилсин.

17. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳамда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда Агентликнинг ҳудудий бўлинмаларига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бинолар ажратилишини таъминласин.

18. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари ҳамда Агентлик бош директори чорвачилик субъектларига ажратилган ер майдонларига фақат чорва озуқа экинлари экилишига масъул этиб белгилансин.

19. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари янгидан ташкил этиладиган чорвачилик субъектларига меъёр бўйича озуқа экинлари экиш учун ер майдонларини ажратиб берилишига шахсан жавобгар ҳисобланади.

20. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги икки ҳафта муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳисоб-китобларига асосан Агентликни зарур мебель, компьютер техникаси ва инвентарлар билан жиҳозлаш учун етарли маблағлар ажратсин;

Агентликка хизмат автотранспорт воситаларини сотиб олиш учун зарур маблағларнинг ажратилишини таъминласин ҳамда Агентлик ва унинг ҳудудий бўлинмаларига 16 та хизмат енгил ва 161 та махсус автомобилларни сақлашга лимит белгиласин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан Агентликни наслчилик иши ва сунъий уруғлантиришни ташкил қилиш мақсадида 24-иловага* мувофиқ зарур бўлган махсус автотранспорт ва моддий-техника воситалари, шу жумладан дьюар идишлари ва бошқа зарур асбоб-усқуналар билан таъминлаш учун талаб этиладиган маблағларни ажратсин;

* 24-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ушбу қарордан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 декабрдаги ПҚ-4067-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 7-илова-сига мувофиқ жорий йилда Самарқанд давлат ветеринария институтининг қурилиши тугалланмаган ўқув биноси объектини қуриш ва жиҳозлаш ишларини охирига етказилишини таъминласин.

2020 йилда қурилиши режалаштирилган институт иншоотларига буюртмачи сифатида Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси белгилансин.

22. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Агентликни зарур алоқа воситалари, шу жумладан, ҳукумат алоқа воситалари билан таъминласин.

23. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

24. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 28 март,
ПҚ-4254-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

241 Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тиббий-ижтимоий хизматлар агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон Фармонини ижро этиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тиббий-ижтимоий хизматлар агентлиги фаолиятини самарали ташкил этишни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тиббий-ижтимоий хизматлар агентлигининг ташкилий тузилмаси 1-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тиббий-ижтимоий хизматлар агентлигининг марказий аппарати тузилмаси 2-иловага** мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар тиббий-ижтимоий хизматлар бўлимларининг тузилмаси 3-иловага** мувофиқ;

туман (шаҳар) тиббий-ижтимоий хизматлар шуъбаларининг тузилмаси 4-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тиббий-ижтимоий хизматлар агентлиги тўғрисидаги низом 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бошқарув ходимларининг чекланган сони Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тиббий-ижтимоий хизматлар агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади) марказий аппаратида 25 нафар, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар тиббий-ижтимоий хизматлар бўлимларида (кейинги ўринларда ҳудудий бўлимлар деб аталади) 70 нафар этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирига, зарурат бўлганда, бошқарув ходимларининг белгиланган умумий сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида Агентликнинг марказий аппарати ва унинг ҳудудий бўлимлари тузилмасига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 27 мартда эълон қилинган.

** 1 — 4-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлигининг:

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ҳисобидан таъминланадиган Республика стоматология поликлиникасини ва Республика марказий маслаҳат-диагностика поликлиникасини давлат унитар корхоналари этиб қайта ташкил этиш;

«DOTS» марказининг вазифалари, функциялари ва мажбуриятларини Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт марказига берган ҳолда уни тугатиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

3. Белгилансинки:

Агентлик фаолиятини ташкил этиш қайта ташкил этилган Республика стоматология поликлиникаси, Республика марказий маслаҳат-диагностика поликлиникаси, шунингдек, тугатилаётган «DOTS» марказини молиялаштиришга ажратилаётган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

Агентлик фаолияти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

Агентлик ва унинг ҳудудий бўлимлари ходимлари меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича, тегишли равишда, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари ходимларига тенглаштирилади;

туман (шаҳар) тиббий-ижтимоий хизматлар шуъбалари ходимларига меҳнатга ҳақ тўлашда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 30 сентябрдаги 459-сон қарорига 9а, 10а, 11а ва 12а-иловаларда назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари татбиқ этилади.

4. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги таркибидан Агентлик тасарруфига белгиланган тартибда ўтказилсин:

6-иловага* мувофиқ тиббий-ижтимоий муассасалар, Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси ва унинг ҳудудий бўлинмалари;

«Мурувват» ва «Саховат» интернат-уйларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси; Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларини шакллантириш манбаларини кенгайтириш юзасидан икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига белгиланган тартибда таклифлар киритсин.

6. Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази тузилмасидаги Уруш ва меҳнат фахрийларини санаторияда соғломлаштиришни ташкил этиш бўлими унинг функцияларини ва 4 та штат бирлигини Агентликка берган ҳолда тугатилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Агентлик билан биргаликда:

* 6-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Агентликнинг марказий аппарати учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Автобазаси учун назарда тутилган автотранспорт воқитлари лимитлари доирасида 2 та бириктирилган енгил автотранспорт ажратсин;

Агентлик марказий аппаратини зарур назарий билимларга ва амалий кўникмаларга эга бўлган, Агентликка юкланган вазифаларни профессионал даражада бажаришни таъминлай оладиган юқори малакали мутахассислар билан таъминласин;

бир ой муддатда ҳудудий тиббий-ижтимоий хизматлар бўлимлари ва туман (шаҳар) тиббий-ижтимоий хизматлар шуъбалари тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқласин;

ҳудудий тиббий-ижтимоий хизматлар бўлимлари ва туман (шаҳар) тиббий-ижтимоий хизматлар шуъбаларини тегишли равишда ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармаларида ва туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларида зарур шароитлар яратиб, кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни, уларнинг жисмоний имкониятларини инобатга олган ҳолда текин жойлаштиришни таъминласин.

8. Тошкент шаҳар ҳокимлиги бир ой муддатда Агентлик марказий аппаратига транспорт коммуникациялари қулай, шунингдек, хизмат кўрсатиладиган контингент — кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг жисмоний имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, зарур шароитларга эга бўлган бино ажратиш тўғрисида таклиф киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги асосли ҳисоб-китоблар бўйича моддий-техник базани шакллантириш учун зарурий жиҳозлар, мебель, офис ва компьютер жиҳозлари, ташкилий техника ва ахборот-коммуникация технологиялари харид қилиш, шунингдек, бинони таъмирлаш учун Агентликка маблағлар ажратилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Агентликнинг буюртманомаси бўйича уни белгиланган тартибда тегишли алоқа турлари билан таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирасин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари А.А. Абдуҳақимов ва Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.Қ. Шадманов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 26 март,
252-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 26 мартдаги 252-сон қарорига
5-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги
хузуридаги Тиббий-ижтимоий хизматлар агентлиги тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Тиббий-ижтимоий хизматлар агентлигининг (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади) вазибалари, функциялари, ҳуқуқлари ва жавобгарлигини, шунингдек, фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Агентлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикасининг Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, мазкур Низомга, бошқа қонун ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қарорларига амал қилади.

3. Агентликнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари, ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа ташкилот ва идоралар, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

4. Агентлик ўз фаолиятини давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тузилмавий бўлинмалари, шунингдек, жисмоний ва юридик шахслар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Агентликнинг ҳудудий бўлинмалари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири томонидан тасдиқланган низомларга мувофиқ ўз фаолиятини амалга оширадilar.

6. Агентлик тузилмасига қуйидагилар киради:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри тиббий-ижтимоий хизматлар бўлимлари (кейинги ўринларда ҳудудий бўлимлар деб аталади);

туман (шаҳар) тиббий-ижтимоий хизматлар шуъбалари (кейинги ўринларда — шуъбалар деб аталади);

уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионати;

ногиронлиги бўлган шахслар ва кексалар учун «Мурувват» ва «Саховат» интернат-уйлари;

кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар, уруш ва меҳнат фахрийлари учун санаторийлар;

кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар, уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика санаторийлари;

ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази;

ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш ҳудудий марказлари;

Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси ва унинг ҳудудий бўлимлари;

Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш бўйича республика реабилитация маркази.

Агентлик тузилмасига кирадиган ташкилотлар ўз фаолиятини белгиланган тартибда тасдиқланадиган низомлар ва уставларга мувофиқ амалга оширадилар.

Агентлик ҳузурида юридик шахс ҳисобланмайдиган, Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва бюджетдан ташқари «Мурувват» ва «Саховат» интернат-уйларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси мавжуд.

Ушбу жамғармалар маблағларини шакллантириш ва сарфлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

7. Агентлик мустақил юридик шахс бўлиб, банк ҳисоб рақамига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ҳамда ўз номи ёзилган муҳр ва бланкага эга.

8. Агентлик фаолияти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

2-боб. Агентликнинг асосий вазифалари ва функциялари

9. Қўйидагилар Агентликнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари ҳисобланади:

кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа тоифаларига кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматларни янада такомиллаштириш ва мувофиқлаштиришга қаратилган тиббий-ижтимоий ёрдамнинг ягона сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш;

ногиронликни белгилашнинг кенг қамровли ягона тизимини яратиш мақсадида норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштиришга қаратилган таклифларни ишлаб чиқиш;

тиббий-ижтимоий муассасаларнинг кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа тоифаларига тиббий хизмат кўрсатиш бўйича фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;

муҳтож шахсларни протез-ортопедик буюмлар ва реабилитация техник воситалари билан таъминлаш фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;

тиббий-ижтимоий экспертиза хизмати, ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш фаолиятига ташкилий-услубий раҳбарлик қилиш ва уларни мувофиқлаштириш.

10. Агентлик ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қўйидаги функцияларни амалга оширади:

а) кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа тоифаларига кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматларни янада такомиллаштириш ва мувофиқлаштиришга қаратилган тиббий-ижтимоий ёрдамнинг ягона сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш соҳасида;

кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг бошқа ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифаларига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишни таъминлайди;

кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг бошқа ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифаларига манзилли тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш қонунчилигини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар киритади;

кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа тоифаларига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатишни ривожлантиришга оид давлат ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишда ва уни амалга оширишда иштирок этади;

кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа тоифаларига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш самарадорлигини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган янги услуб ва ижтимоий технологияларни татбиқ этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

кексалар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа тоифаларига тиббий-ижтимоий ёрдамнинг янги шакл ва механизмини татбиқ этиш, тиббий-ижтимоий экспертиза, кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа тоифаларини реабилитация қилиш фаолиятини мувофиқлаштиради;

б) ногиронликни белгилашнинг кенг қамровли ягона тизимини яратиш мақсадида норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштиришга қаратилган таклифларни ишлаб чиқиш соҳасида;

тиббий-ижтимоий экспертиза хизматини бошқаради, ногиронлик ҳолати, динамикаси ва унга олиб келадиган омилларнинг тизимли таҳлилинини ўтказди;

ногиронликнинг олдини олиш, ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий-ижтимоий реабилитация ва тиббий-ижтимоий ёрдам чораларини амалга ошириш соҳасида комплекс дастурларни ишлаб чиқишда иштирок этади;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ногиронликни белгилаш тартибини такомиллаштиришда иштирок этади;

ногиронлиги бўлган шахсларни яқка тартибда реабилитация қилиш дастурлари бажарилишига ва ногиронлиги бўлган шахслар организми ҳаёт фаолияти ёки функцияларини тўлиқ ёки қисман тиклаш асосида ушбу тadbирларнинг самарадорлигини баҳолашга кўмаклашади;

ногиронлиги бўлган шахслар ва кекса ёшдаги фуқаролар учун инфратузилма ва жамоат транспорти объектларидан қулай фойдаланишни таъминлайдиган шаҳарсозлик соҳасидаги давлат сиёсатини шакллантиришда иштирок этади;

в) тиббий-ижтимоий муассасаларнинг кексалар, ногиронлиги бўлган

шахслар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа тоифаларига тиббий хизмат кўрсатиш бўйича фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш соҳасида;

Агентлик фаолияти билан боғлиқ қонунчиликда белгиланган ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг бошқа ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифаларига имтиёзлар, санаторий-курортда соғломлаштириш учун йўлланмалар, техник ва махсус реабилитация воситаларини тақдим этиш соҳаси фаолиятини мувофиқлаштиради;

кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг бошқа ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифаларига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг янги шакл ва механизмларини татбиқ этиш бўйича тиббий-ижтимоий муассасалар фаолиятини мувофиқлаштиради;

ижро этувчи ҳокимият органлари биргаликда ёлғиз кекса фуқаролар, ногиронлиги бўлган шахслар ва давлат кўмагига муҳтож аҳолининг бошқа гуруҳларига ижтимоий-маиший хизмат кўрсатишни ташкил этади;

тиббий-ижтимоий муассасаларда яшайдиган кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга маиший, тиббий ва маданий хизмат кўрсатишни ташкил этади, мазкур муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашни таъминлайди;

ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга уйда ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш бўйича ишларни ташкил этади ва мувофиқлаштиради;

кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг бошқа ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифаларига тиббий-ижтимоий ёрдам дастурларини молиялаштириш учун маблағларни жалб этишга оид ишларда нодавлат нотижорат ва бошқа ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди;

кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг бошқа ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифаларига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш соҳасида давлат-хусусий шериклик механизмларини татбиқ этишга кўмаклашади;

г) муҳтож шахсларни протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситалари билан таъминлаш фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш соҳасида:

ногиронлиги бўлган шахслар ва уларни парваришлаш учун махсус ҳаракатланиш воситалари, мосламалари, бошқа реабилитациянинг техник воситаларига эҳтиёжни аниқлайди ва уларни ишлаб чиқаришга буюртмалар беради;

ногиронлиги бўлган ва бошқа муҳтож шахсларга протез-ортопедия ёрдамини ташкил этиш, вазирликлар, муассасалар ва ижро этувчи ҳокимият органлари билан биргаликда протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситаларини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, уларни тайёрлаш технологияларини такомиллаштириш, уларнинг янги турларини ишлаб чиқариш бўйича ишларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

ногиронлиги бўлган ва бошқа муҳтож шахсларга бепул бериладиган протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситалари рўйхатини кенгайтириш бўйича таклифлар киритади;

ногиронлиги бўлган ва бошқа муҳтож шахсларни протез-ортопедия буюмлари ва ҳаракатланиш воситалари билан таъминлаш тартибини белгилайди; маҳаллий ишлаб чиқарилган протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситалари сифатини яхшилаш ва турларини кўпайтириш, протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситаларини ишлаб чиқаришга халқаро стандартларни татбиқ этиш бўйича чоралар кўради;

д) тиббий-ижтимоий экспертиза хизмати, ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш фаолиятига ташкилий-услубий раҳбарлик қилиш ва уларни мувофиқлаштириш соҳасида:

Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази ва Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш ҳудудий марказларида ногиронлиги бўлган шахсларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш бўйича ишларни ташкил этади ва мувофиқлаштиради;

реабилитация қилиш ва протезлаш марказларини замонавий диагностика, даволаш ва реабилитация ускуналари билан жиҳозлаш орқали унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича ишларни ташкил этади ва мувофиқлаштиради;

ногиронлиги бўлган шахсларни якка тартибда реабилитация қилиш дастурларини ишлаб чиқиш тартиби, улар реабилитациясининг якка тартибдаги дастурини амалга ошириш методологиясини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш марказлари ва даволаш-профилактика муассасалари билан биргаликда ногиронлиги бўлган шахсларнинг тиббий-ижтимоий реабилитацияси бўйича чораларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг тиббий-ижтимоий реабилитацияси масалалари бўйича илмий тадқиқотлар ўтказилади;

одам савдосидан жабрланганларга ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича манзилли чораларни амалга оширади;

одам савдоси оқибатида жабрланган фуқароларнинг тиббий-ижтимоий реабилитацияси ва кейинчалик ижтимоийлашуви бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорлик қилади.

3-боб. Агентликнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

11. Агентлик ўзига юкланган вазифа ва функцияларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг бошқа ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифаларига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш масалалари бўйича давлат ва бошқа ташкилотлар ишини мувофиқлаштириш;

Агентлик ваколатига кирадиган ҳужжатлар, статистик маълумотлар, ҳисоботлар, таҳлилий материаллар ва бошқа ахборотларни ўзга вазирилик, идора ва муассасалардан сўраш ва олиш;

тиббий-ижтимоий ёрдам бошқаруви тизимини такомиллаштириш ва ри-

вожлантириш, тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда малакали ходимларни тайёрлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирига таклифлар киритиш;

кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг бошқа ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифаларига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш соҳасида мақсадли давлат дастурларининг бажарилишини таҳлил қилиш;

Агентликка юкланган вазифалар доирасида давлат органлари ва ташкилотлари, нодавлат, лойиҳа ташкилотлари, илмий-тадқиқот муассасалари, халқаро ташкилотларнинг юқори малакали ходимларини ва мутахассисларни шартнома асосида жалб этиш;

тиббий-ижтимоий ёрдам мутахассислари малакасини ошириш дастурларига киритиш учун таклифлар ишлаб чиқиш;

тиббий-ижтимоий ёрдам муаммолари бўйича илмий-услубий ва ахборот-таҳлилий материалларни тайёрлаш ва нашр этиш.

Агентлик қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларни ҳам амалга ошириши мумкин.

12. Агентлик ўзига юкланган вазифа ва функцияларнинг самарали бажарилиши, тақдим этилаётган таҳлилий ҳужжатларнинг ҳолисоналиги ва комплекслиги учун жавоб беради.

4-боб. Агентлик фаолиятини ташкил қилиш

13. Агентлик бевосита Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирига бўйсунди.

Агентлик фаолияти Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири томонидан назорат қилинади ва мувофиқлаштирилади.

14. Агентликни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган директор бошқаради.

Агентлик директори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган бир нафар ўринбосарга эга бўлади.

Агентлик директори мақоми, маиший, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шароитлари бўйича Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири ўринбосарига тенглаштирилади.

15. Агентлик директори ўзига юкланган вазифаларни бажариш мақсадида:

- а) Агентлик фаолияти юзасидан умумий бошқарувни амалга оширади;
- б) Агентлик ходимлари, ҳудудий бўлимлар раҳбарларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод этади;
- в) ҳудудий бўлимлар раҳбарлари ҳисоботларини эшитади;
- г) Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирига қуйидагиларни киритади:

Агентлик фаолияти натижалари тўғрисидаги ҳисоботлар;

Агентлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа норматив ҳужжатлар лойиҳалари;

идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларини лавозимга тайинлаш ёки лавозимдан озод этиш тўғрисидаги тақдимномалар;

Агентлик ва унинг ҳудудий бўлимлари тузилмаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида тақдимномалар;

д) Агентлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича қарорлар қабул қилади, ўз ўринбосари, Агентлик, ҳудудий бўлимлар ва идоравий мансуб ташкилотлар ходимларининг ваколатлари, мажбуриятлари ва жавобгарлик даражасини белгилайди;

е) ўз ваколати доирасида Агентлик фаолиятини ташкил этиш масалалари бўйича Агентлик ҳудудий бўлимлари ва идоравий мансуб ташкилотларининг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

ж) Агентликка юкланган вазифаларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

з) қонун ҳужжатларига ва мазкур Низомга мувофиқ бошқа ишларни амалга оширади.

16. Агентлик директори бўлмаган тақдирда унинг ваколатларини директор ўринбосари бажаради.

17. Агентлик ҳудудий бўлимларини Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири билан келишилган ҳолда Агентлик директори томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган бошлиқлар бошқаради.

18. Агентлик ва унинг ҳудудий бўлимлари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий муҳофазаси бўйича тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари ходимларига тенглаштирилади.

19. Тиббий-ижтимоий хизмат ҳудудий бўлимлари бошлиқлари, Агентликка идоравий мансуб бўлган республика ташкилотлари раҳбарлари, Агентликнинг ҳудудий бўлимларига идоравий мансуб бўлган «Мурувват» ва «Саховат» интернат-уйлари раҳбарлари, кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар, уруш ва меҳнат фахрийлари учун санаторийлар раҳбарлари, ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш вилоят марказлари раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири билан келишилган ҳолда Агентлик директори томонидан лавозимга тайинланади.

5-боб. Агентликнинг ўз тузилмавий бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорлиги

20. Агентликнинг ўз ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлиги Агентлик марказий аппарати таркибий бўлинмаларининг раҳбарлари томонидан таъминланади.

21. Агентлик марказий аппаратининг тузилмавий бўлинмалари, ўз фао-

лияти йўналишлари бўйича ҳудудий бўлинмалар ва идоравий мансуб ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда ишлаган ҳолда:

топшириқларни ҳудудий бўлинмалар ва идоравий мансуб ташкилотларга етказадилар ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қиладилар;

Агентликнинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотларига таркибий бўлинмаларининг бевосита фаолияти масалалари бўйича сўровлар юборадилар ҳамда уларнинг ижро этилишини назорат қиладилар;

Агентликнинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари фаолияти амалиётини текширадилар ва ўрганадилар, натижаларини умумлаштирадилар, уни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқадиладар ва қабул қиладилар;

Агентликнинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш ва фаолияти натижалари тўғрисида ҳисобот ва ахборот материаллари, статистика маълумотлари ва бошқа маълумотлар ўрганилишини ташкил этадилар;

Агентликнинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари иш режаларини таҳлил қиладилар, уларнинг фаолиятини режалаштиришни такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар кўрадилар;

Агентликнинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотларидан тушган таклифларни кўриб чиқадиладар;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда Агентлик ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотларининг иштирокини ташкил этадилар, ҳимояга муҳтож фуқаролар тоифаларига тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича улардан тушган таклифларни кўриб чиқадиладар.

6-боб. Яқунловчи қоида

22. Агентликни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

242 Ижтимоий эҳтиёжманд оилаларнинг иқтидорли фарзандларини узлуксиз таълим олишини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 14 августдаги ПҚ–3907-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, мамлакатимизда ижтимоий эҳтиёжманд оилаларнинг иқтидорли фарзандларини узлуксиз таълим олишини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тизимини жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ижтимоий эҳтиёжманд оилаларнинг иқтидорли фарзандларини узлуксиз таълим олишини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисида низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ижтимоий эҳтиёжманд оилаларнинг иқтидорли фарзандларини узлуксиз таълим олишини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон ёшлар иттифоқи маблағлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилиши инобатга олинсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Вазирлар Маҳкамасининг Ёшлар сиёсати, маданият, маънавият, оммавий ахборот воситалари, ижодий ва жамоат ташкилотлари масалалари котибияти ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 28 март,
257-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 28 мартда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 28 мартдаги 257-сон қарорига
ИЛОВА

**Ижтимоий эҳтиёжманд оилаларнинг иқтидорли
фарзандларини узлуксиз таълим олишини моддий ва
маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом ижтимоий эҳтиёжманд оилаларнинг иқтидорли фарзандларини узлуксиз таълим олишини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тартибини белгилайди.

2. Иқтидорли ўқувчиларни излаб топиш ҳамда муносиб рағбатлантириш, ижтимоий эҳтиёжманд оилаларда тарбияланаётган ўқувчиларнинг узлуксиз таълим олишига қўмаклашиш, ушбу тоифадаги ёшларнинг тўғри касб танлаши ва келажакда ҳаётини тўғри қурилишига ёрдамлашиш ижтимоий эҳтиёжманд оилаларнинг иқтидорли фарзандларини узлуксиз таълим олишини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга оширишнинг мақсади ҳисобланади.

3. Ижтимоий эҳтиёжманд оилаларнинг иқтидорли фарзандларини узлуксиз таълим олишини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ёшлар масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) ҳудудий идоралараро кенгашлари томонидан Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилоти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёзма тавсияси асосида амалга оширилади.

4. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ёшлар масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) ҳудудий идоралараро кенгашларининг ишчи органи ҳисобланади.

5. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) ҳудудий идоралараро кенгашлари ижтимоий эҳтиёжманд оилаларнинг иқтидорли фарзандларининг узлуксиз таълим олишини рағбатлантиришда қуйидаги асосий тамойилларга амал қилади:

ижтимоий адолатга сўзсиз риоя қилиш;

ошкоралик ва очиқликни таъминлаш;

ижтимоий эҳтиёжманд оилаларнинг иқтидорли фарзандларини рағбатлантиришни манзилли тарзда амалга ошириш йўли билан шу мақсадларга ажратилган маблағлар, шунингдек бошқа воситалардан мақсадли ва самарали фойдаланиш;

оила аъзоларининг моддий фаровонлиги, болаларни тарбиялаш, уларни ҳар томонлама жисмоний, ақлий ва маънавий-ахлоқий камол топиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, маълумоти ва касб даражасини ошириш борасида оиланинг масъулиятини кучайтириш.

6. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ёзма тавсия — ижтимоий эҳтиёжманд оилаларнинг иқтидорли фарзандларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг таълим муассасасидаги бошланғич ташкилоти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ёшлар масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳудудий идоралараро кенгашларига бериладиган ёзма тавсия;

ижтимоий мезонлар — ижтимоий эҳтиёжманд оилаларнинг иқтидорли фарзандларини танлаш ва рағбатлантиришнинг ижтимоий устуворлигини белгилаш учун тавсия этилганларнинг ижтимоий ва иқтисодий шароитларининг асосий кўрсаткичлари;

иқтидорли болалар — муайян фан, санъат, таълим ва бошқа йўналишларда ўз истеъдодини намоён эта олган, турли олимпиадалар, кўрик-танловлар ҳамда спорт мусобақаларида ғолиб ва совриндор бўлган, аъло ўқиши билан бошқа тенгдошларига ўрناق бўла оладиган ўн саккиз ёшгача бўлган эҳтиёжманд оилалар фарзандлари;

ижтимоий эҳтиёжманд оила — кам таъминланган, шу жумладан ота-онасининг иккисини ҳам йўқотган, болалар тарбияси билан эса қариндошлар шуғулланаётган оилалар, ота-оналардан бири ёки ҳар иккиси ҳам биринчи ва/ёки иккинчи гуруҳ ногирони бўлган оилалар, ногирон боласи (болалари) бўлган оилалар, 14 ёшгача бўлган икки ва ундан ортиқ болаларни тарбиялаётган, бошқа қариндошлардан алоҳида яшаётган бева аёллар (бева эрлар), болани (болаларни) тўлиқ бўлмаган оилада тарбиялаётган оналар (оталар), ота-оналардан бири ёки ҳар иккиси ишсиз бўлган ва иш изловчи сифатида туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш марказларида ҳисобда турган оилалар.

2-боб. Ижтимоий эҳтиёжманд оилаларнинг иқтидорли фарзандларини узлуксиз таълим олишини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш чоратадбирларини амалга ошириш

7. Ижтимоий эҳтиёжманд оилаларнинг иқтидорли фарзандларини узлуксиз таълим олишини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш чоратадбирлари ҳар бир ўқувчининг оилавий шароити, иқтидори ва қизиқишидан келиб чиққан ҳолда индивидуал тарзда ушбу Низомнинг 1-иловасига* мувофиқ ижтимоий эҳтиёжманд оилаларнинг иқтидорли фарзандларини узлуксиз таълим олишини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни амалга ошириш схемаси бўйича амалга оширилади.

8. Ижтимоий эҳтиёжманд оилаларнинг иқтидорли фарзандларини узлуксиз таълим олишини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг таълим муассасасидаги бошланғич ташкилоти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ҳар йили 1 июнга қадар ёшлар масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳудудий идоралара-

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ро кенгашларига ёзма тавсия билан бирга қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

ижтимоий эҳтиёжманд оилаларнинг иқтидорли фарзандлари томонидан қўлга киритилган ютуқларни тасдиқловчи ҳужжатлар (олимпиадалар, кўриктанловлар ҳамда спорт мусобақаларида ғолиб ва совриндорлигини тасдиқловчи дипломлар ва бошқа шу каби ҳужжатлар нусхаси (мавжуд бўлганда);

ўқувчи ва унинг оила аъзоларининг паспорти ва/ёки туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси нусхалари;

ўқувчининг оила аъзолари биринчи ва/ёки иккинчи гуруҳ ногиронлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси (мавжуд бўлганда);

ўқувчининг оиласи боқувчисини йўқотганлиги тўғрисида ҳужжат нусхаси (мавжуд бўлганда).

9. Ёшлар масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳудудий идоралараро кенгаши томонидан рағбатлантириладиган ижтимоий эҳтиёжманд оилаларнинг иқтидорли фарзандларини аниқлашда қўйидаги ижтимоий мезонларга эътибор қаратилади:

а) ўқувчининг кўп болали оиладан эканлиги (оилада уч ва ундан ортиқ бола мавжудлиги);

б) ўқувчининг оиласида биринчи ва/ёки иккинчи гуруҳ ногиронлигини бўлган шахсларнинг мавжудлиги;

в) ўқувчининг ёлғиз она (ота) томонидан икки ёки ундан ортиқ вояга етмаган фарзандлар тарбиялаётган оиладан эканлиги;

г) ўқувчининг фан, санъат, таълим ва бошқа йўналишларда ютуқлари, турли олимпиадалар, кўриктанловлар ҳамда спорт мусобақаларида ғолиб ва совриндорлиги, аъло баҳоларга ўқиши.

10. Ёшлар масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳудудий идоралараро кенгашлари томонидан мазкур Низомнинг 8-бандида назарда тутилган ҳужжатлар ҳар йили 10 июнга қадар кўриб чиқилади ҳамда 15 июнга қадар ёшлар масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар идоралараро кенгашларига тақдим этилади.

11. Ёшлар масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар идоралараро кенгашлари томонидан ҳар йили 30 июнга қадар ёшлар масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳудудий идоралараро кенгаши томонидан тақдим этилган ҳужжатлар кўриб чиқилади ҳамда ижтимоий эҳтиёжманд оилаларнинг иқтидорли фарзандларини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича тегишли қарорни қабул қилади.

12. Ҳар ўқув йили бошидан бошлаб ижтимоий эҳтиёжманд оилаларнинг иқтидорли фарзандларини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш уларни ёшлар масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) ҳудудий идоралараро кенгашлари томонидан:

замонавий ягона мактаб формаси билан таъминлаш;

асосий турдаги ўқув қуроллари билан таъминлаш;

бадий китоблар билан таъминлаш;

болалар газета ва журналларига обуна қилиш;

республика оромгоҳларида дам олишини ташкил этиш;
республика бўйлаб саёҳатга бориш ва келиш харажатларини қоплаш йўли билан амалга оширилади.

3-боб. Ижтимоий эҳтиёжманд оилаларнинг иқтидорли фарзандларини узлуксиз таълим олишини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш жараёнида иштирок этувчи ташкилотлар ва уларнинг вазифалари

13. Ижтимоий эҳтиёжманд оилаларнинг иқтидорли фарзандларини узлуксиз таълим олишини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш жараёнида иштирок этувчи ташкилотлар мазкур Низомнинг 2-иловасида* кўрсатилган схемага асосан қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

а) Ёшлар масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳудудий идоралараро кенгаши:

ижтимоий эҳтиёжманд оилаларнинг иқтидорли фарзандларини узлуксиз таълим олишини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

ижтимоий эҳтиёжманд оилаларнинг иқтидорли фарзандларини узлуксиз таълим олишини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштиради;

б) Ўзбекистон ёшлар иттифоқи:

ёши, қобилияти ва ихтисосликларига кўра эҳтиёжманд оилалар фарзандлари, шу жумладан уларнинг иқтидорли болалари базасини шакллантиради ва доимий янгилаб боради;

ижтимоий эҳтиёжманд оилаларнинг иқтидорли фарзандларини қизиқишлари, талаб ва истакларидан келиб чиққан ҳолда, фан, касб-хунар ва спорт тўғараклари фаолиятини йўлга қўяди;

ижтимоий эҳтиёжманд оилаларнинг иқтидорли фарзандлари учун қишқи ва ёзги таътиллار доирасида мавсумий оромгоҳларни ташкил этади;

ижтимоий эҳтиёжманд оилаларнинг иқтидорли фарзандларини Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилотлари фаолиятига кенг жалб этади;

ижтимоий эҳтиёжманд оилаларнинг иқтидорли фарзандларини истеъдодини рўёбга чиқаришга йўналтирилган турли танловлар, тадбирлар, лойиҳалар ва бошқа акцияларни ташкил этади ва ўтказиши;

ижтимоий эҳтиёжманд оилаларнинг иқтидорли фарзандларини узлуксиз таълим олишини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасида амалга ошириладиган чора-тадбирларни оммавий ахборот воситаларида ёритиб бориш орқали иштирок этади;

в) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари:

маҳалла фуқаролар йиғинларида истиқомат қиладиган ижтимоий эҳтиёжманд оилаларнинг иқтидорли фарзандлари рўйхатини шакллантиради;

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳудудида жойлашган таълим муассасалари билан ҳамкорликда ўқувчиларнинг қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда тўғараклар фаолиятини ташкил этиш ҳамда уларнинг иш самарадорлигини мониторинг қилиб боради;

ижтимоий эҳтиёжманд оилаларнинг иқтидорли фарзандларини маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан ўтказилаётган спорт мусобақалари ва бошқа маънавий тадбирларга жалб этади;

ижтимоий эҳтиёжманд оилаларнинг иқтидорли фарзандларининг ихтиёрий билим олиш маданиятини ривожлантиришга қаратилган тарғибот тадбирларини ўтказиш орқали иштирок этади;

г) Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги:

таълим муассасасида ижтимоий эҳтиёжманд оилаларнинг иқтидорли фарзандларининг қизиқишлари, талаб ва истакларидан келиб чиққан ҳолда фан, спорт ва санъат тўғараклари фаолиятини ташкил этиш, ушбу тўғаракларни малакали ўқитувчилар, педагог ва тренерлар билан таъминлаш;

турли мусобақалар, танловлар, билимлар беллашувлари ва олимпиадаларда муносиб иштирок этаётган ижтимоий эҳтиёжманд оилаларнинг иқтидорли фарзандларига доир маълумотлар базасини шакллантириш;

ижтимоий эҳтиёжманд оилаларнинг иқтидорли фарзандларини ўрнатилган тартибда иссиқ кийим-бош ва ўқув қуроллари билан таъминлаш чораларини кўриш;

ижтимоий эҳтиёжманд оилаларнинг иқтидорли фарзандларини умумий ўрта таълим муассасаларининг узайтирилган кун гуруҳларига ўрнатилган тартибда бепул жалб этиш чораларини кўради.

4-боб. Яқуний қоида

14. Мазкур Низом талабларини бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ****243 2019 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари-
га ўзгартиришлар киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
25 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3083-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ–4086-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2018 йил 8 октябрдаги 6-мб-сон қарори (рўйхат рақами 3083, 2018 йил 31 октябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.11.2018 й., 10/18/3083/2143-сон) билан тасдиқланган 2019 йил учун давлат статистика ҳисоботи шаклларига иловага** мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис**Б. БЕГАЛОВ**

Тошкент ш.,
2019 йил 28 февраль,
1-мб-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 25 мартда эълон қилинган.

** Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

244 Тижорат банклари томонидан норезидентларнинг Ўзбекистон Республикаси миллий валютасидаги ҳисобварақларини юритиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 25 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 510-5

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 1998 йил 5 сентябрда 231-сон билан тасдиқланган Тижорат банклари томонидан норезидентларнинг Ўзбекистон Республикаси миллий валютасидаги ҳисобварақларини юритиш тартибига (рўйхат рақами 510, 1998 йил 22 октябрь) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 16 февраль,
3/7-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил
16 февралдаги 3/7-сон қарорига
ИЛОВА

Тижорат банклари томонидан норезидентларнинг Ўзбекистон Республикаси миллий валютасидаги ҳисобварақларини юритиш тартибига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. 2.1-бандда:

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«уюшган савдоларда жамият акцияларини сотиб олишни (сотишни) амалга оширувчиларга;»;

тўртинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 25 мартда эълон қилинган.

2. 2.2-бандда:

қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«ваколатхона ташкил этган норезидент — юридик шахснинг Ўзбекистон Республикасидаги инвестицион фаолияти натижасида олинган дивидендлари ва бошқа даромадлари;»;

олтинчи хатбоши еттинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

3. 2.4-банддан учинчи жумла чиқариб ташлансин.

4. 5.2-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«доимий муассаса ташкил этган норезидент — юридик шахснинг Ўзбекистон Республикасидаги инвестицион фаолияти натижасида олинган дивидендлари ва бошқа даромадлари.».

5. 6-бўлимнинг номи ва 6.1-банд «савдоларида қатнашувчи» деган сўзлардан кейин «ва уюшган савдоларда жамият акцияларини сотиб олишни (сотишни) амалга оширувчи» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

6. 6.2-бандда:

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«уюшган савдоларда акцияларни сотиб олишдан (сотишдан) тушган маблағлар;»;

учинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

245 Тижорат банклари томонидан чет эл валютасидаги ҳисобварақларни юритиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
25 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 511-12*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 1998 йил 5 сентябрда 232-сон билан тасдиқланган Тижорат банклари томонидан чет эл валютасидаги ҳисобварақларни юритиш тартибига (рўйхат

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 25 мартда эълон қилинган.

рақами 511, 1998 йил 22 октябрь) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 16 февраль,
3/6-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил
16 февралдаги 3/6-сон қарорига
ИЛОВА

**Тижорат банклари томонидан чет эл валютасидаги
ҳисобварақларни юритиш тартибига киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 3.1-бандда:

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«уюшган савдоларда жамият акцияларини сотиб олишни (сотишни) амалга оширувчиларга;»;

тўртинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

2. 3.2-банд қуйидаги мазмундаги «б¹» кичик банд билан тўлдирилсин:

«б¹) ваколатхона ташкил этган норезидент — юридик шахснинг Ўзбекистон Республикасидаги инвестицион фаолияти натижасида олинган дивидендлари ва бошқа даромадлари;».

3. 4.6-банднинг «д» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«д) ҳисобварақ эгасининг Ўзбекистон Республикасининг бошқа банкларида очилган ҳисобварақларига ўтказилиши, шунингдек амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мақсадларда фойдаланилиши мумкин.».

4. 5.2-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«доимий муассаса ташкил этган норезидент — юридик шахснинг Ўзбекистон Республикасидаги инвестицион фаолияти натижасида олинган дивидендлари ва бошқа даромадлари.».

5. 5.3-бандда:

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқаридаги ҳисобварақларига ўтказилиши;»;

тўртинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

6. VI бўлим номи ва 6.1-банд «савдоларида қатнашувчи» деган сўзлардан кейин «ва уюшган савдоларда жамият акцияларини сотиб олишни (сотишни) амалга оширувчи» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

7. 6.2-бандда:

куйдаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«уюшган савдоларда акцияларни сотиб олишдан (сотишдан) тушган маблағлар;»;

учинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

246 Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (10-сонли БҲС) «Алмашув операцияларидан олинадиган даромадлар»ни тасдиқлаш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
25 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3145*

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ва бюджет ҳисобини давлат секторида молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари билан мувофиқлаштириш мақсадида **бюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (10-сонли БҲС) «Алмашув операцияларидан олинадиган даромадлар» иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ 2020 йил 1 январдан кучга кириди.

Вазир

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 5 февраль,
12-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 25 мартда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2019 йил 5 февралдаги
12-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти
(10-сонли БҲС) «Алмашув операцияларидан олинадиган
даромадлар»**

Мазкур Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (10-сонли БҲС) «Алмашув операцияларидан олинадиган даромадлар» (бундан буён матнда Стандарт деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»-ги Қонунига мувофиқ бюджет ташкилотлари, давлат мақсадли ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларнинг (бундан буён ташкилотлар деб юритилади) алмашув операцияларидан олинадиган даромадлар ҳисобини юртиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Стандартда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

алмашув операциялари — бир ташкилот бошқа ташкилотдан активлар ёки хизматларни (ишларни) қабул қилиши ёки мажбуриятларнинг бажарилишида, унга худди шу миқдордаги активлар (пул маблағлари, товарлар, ишлар, хизматлар) билан алмашуви;

алмашув операциясининг ҳақиқий қиймати — тарафлар ўртасида битимни амалга оширишда активни сотиб олиш ёки мажбуриятларни бажариш учун етарли бўлган сумма;

алмашув бўлмаган операциялар — актив ёки хизматларнинг (ишларнинг) ташкилот томонидан ёки ташкилотга бепул ёхуд бошқа мажбуриятларсиз берилиши;

тугалланганлик фоизи бўйича ҳисоблаш усули — алмашув операциясидан олинган даромадларнинг ҳисобот даврида тугалланганлик даражаси (фоизи) бўйича тан олиниши;

тўғри чизиқли ҳисоблаш усули — белгиланган давр мобайнида кўрсатилган хизматлар (бажарилган ишлар) натижасида олинган даромадларнинг бир маромда, тенг улушларда тан олиниши.

2. Стандарт ҳисоблаш методи асосида молиявий ҳисоботларни тузувчи ва тақдим қилувчи ташкилотларнинг товарлар (ишлар, хизматлар) реализациясидан тушган даромадлари ҳамда ташкилот активларидан фойдаланиш натижасидан юзага келадиган фоизлар, лицензия йиғимлари ва дивидендлар бўйича алмашув операциялари натижасида олинадиган даромадларнинг ҳисобини юритишда фойдаланилади.

3. Стандартдан қуйидагилардан тушадиган даромадларнинг ҳисобини юритишда фойдаланилмайди:

- а) ижара шартномасидан;
- б) асосий воситаларни сотишдан;
- в) инвестициялар натижасида олинадиган дивидендлардан;
- г) суғурта шартномаларидан;
- д) молиявий активлар ва молиявий мажбуриятларнинг жорий нархи ўзгаришидан ёки уларнинг сотилишидан;
- е) жорий активларнинг қиймати ўзгаришидан;
- ж) биологик активлар ҳақиқий қийматининг ўзгаришидан ва дастлабки ҳисобга олишдан;
- з) фойдали қазилмаларнинг қазиб олинишидан.

2-боб. Даромадлар ва уларни баҳолаш

4. Даромадлар ташкилотнинг фойдасига олинадиган ёки олинishi кутилаётган иқтисодий фойдадан бўлган ялпи тушумларни ўз ичига олади.

Юқори турувчи ташкилот ҳамда Ҳукумат топширигига асосан ундирилган зарар суммаси ташкилот учун иқтисодий фойда ҳисобланмайди ҳамда ушбу тушумлар активларнинг ошиши ёки мажбуриятларнинг камайишига олиб келмайди. Шу сабабли, улар даромад таркибидан чиқариб ташланади.

Бунда олинган ёки олинishi кутилаётган тушумларнинг ташкилотга комиссия ёки улуш сифатида қоладиган қисми даромад сифатида ҳисобга олинади.

5. Молиялаштиришдан келиб тушган маблағлар даромад сифатида эътироф этилмайди ҳамда бевосита молиявий ҳисоботларнинг актив ва мажбуриятлар қолдиги йиғиндиси сифатида акс этирилади.

6. Товарлар ёки хизматлар хусусиятига ва қийматига кўра бир хил бўлган товарлар ёки хизматларга алмаштирилганда, бундай операциялар даромад келтирувчи операциялар деб ҳисобланмайди.

Алмашув операциясидан олинган даромад товар ёки хизматнинг ҳақиқий қиймати бўйича ҳисобга олинади.

7. Даромадлар тушганда ёки тушиши кутилаётганда ҳақиқий қиймати бўйича ҳисобга олинади.

8. Харажатнинг ўрнини қоплаш пул маблағлари ёки унинг эквиваленти кўринишида бўлади, бунда даромад суммаси олинган ёки олинishi кутилаётган пул маблағлари ёхуд унинг эквиваленти ҳисобланади. Агар, пул маблағлари ёки унинг эквиваленти тушиш вақти кечиктирилган бўлса, ундан олинадиган даромаднинг ҳақиқий қиймати номиналда белгиланганидан кўра пастроқ бўлиши мумкин.

9. Алмашув операциясидан ҳосил бўладиган даромадлар миқдори хизматлар ва активлардан фойдаланувчилар ёки харидорлар билан ташкилот ўртасида битимга асосан аниқланади.

10. Алмашув операцияси ҳисобланмаган мақсадли тушумлар ташкилот томонидан тан олинган соф актив қийматининг ўсиши ҳисобида баҳоланиши керак.

Ташкилот келиб тушган даромадни мажбурий тўлов ёки солиққа тортилмайдиган тушум сифатида қабул қилиши лозим.

3-боб. Хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш)

11. Кўрсатиладиган хизматни (бажариладиган ишни) ишончли баҳолаш имконияти мавжуд бўлганда, ундан олинishi кутилаётган даромад ушбу хизмат кўрсатиладиган (иш бажариладиган) ҳисобот даврида тугалланган деб ҳисобга олинishi керак. Кўрсатиладиган хизмат (бажарилган иш) қуйидаги шартлар бажарилганда ишончли деб баҳоланади:

а) даромад миқдори ишончли деб ҳисобланганда;

б) алмашув операциясидан тушадиган даромад ташкилотга келиб тушиш эҳтимоли бўлганда;

в) ҳисобот даврида алмашув операциясининг тугалланишини ишончли баҳолаш имкони бўлганда;

г) алмашув операцияси ва унинг тугалланиши билан боғлиқ бўлган харажатларни аниқ баҳолаш имкони бўлганда.

12. Амалга оширилган ҳар бир алмашув операцияси ташкилот томонидан алоҳида тан олинishi лозим. Бунда ташкилот даромадни тугалланганлик фоизи методи асосида тан олади. Алмашув операциясининг моҳиятини кўрсатиш мақсадида, унинг алоҳида ажратилган қисмлари тан олинishi мумкин (мисол учун, товар қиймати келажакдаги хизмат қийматини ўз ичига олган бўлса, бу қиймат кейинги ушбу товарга хизмат кўрсатилган даврга ўтказилиб, ушбу даврдаги даромад деб тан олинади).

Ташкилот томонидан бир ёки бир нечта амалга оширилган алмашув операциялари умумий тарзда тан олинishi мумкин (мисол учун, ташкилот бир товарни сотишга ва уни кейинчалик қайта сотиб олиш шarti билан иккита шартнома тузиши мумкин, бунда бу товарнинг фойдалилик қиймати анча пасаяди ва бундай ҳолатда иккита операция ҳам бир пайтда кўриб чиқилади).

13. Даромад сифатида тан олинган маблағларни қабул қилиш бўйича ноаниқликлар келиб чиқса, қайтарилмаган ёки қайтариб олинishi эҳтимоли мавжуд бўлмаган пул миқдори харажат сифатида қабул қилинади.

14. Алмашув операцияларининг тугалланганлик даражаси турли методлар орқали аниқланиши мумкин. Бунда ташкилотлар кўрсатилган хизматларни ишончли баҳолашга имкон берувчи методдан фойдаланади. Операцияларнинг тугалланганлик даражасини аниқлашда, операциянинг хусусиятига қараб қуйидагилар инобатга олинishi керак:

бажарилган ишлар бўйича ҳисобот;

тўлиқ иш ҳажмига нисбатан маълум муддатгача тугатилган ишнинг фоиз миқдори;

битим бўйича умумий ҳисобланган харажатларнинг ҳисобот санасигача қопланган харажати. Ҳисобот санасига қадар ҳисобланган харажатларга мазкур муддатгача кўрсатилган хизматлар бўйича қилинган харажатлар киради. Келишув бўйича жами баҳоланган харажатларга кўрсатилган ёки кўрсатилиши кутилаётган хизматлар бўйича харажатлар киради.

Алмашув операциясидан келиб тушадиган оралиқ тўловлар ва аванслар кўрсатилган хизматлар (бажарилган ишлар)нинг тўлиқ миқдорини белгиламайди.

15. Маълум бир давр мобайнида бир неча мартаба хизмат кўрсатил-

ганда (ишлар бажарилганда), улардан келиб тушган даромадлар тўғри чиқиқли ҳисоблаш усули асосида тан олинади.

16. Хизмат кўрсатишни назарда тутувчи алмашув операциясининг кутилаётган натижасини ишончли баҳолаш имкони бўлмаганда, даромад қопланган харажатлар кўламига тенг миқдорда тан олинади.

17. Алмашув операцияси амалга оширилишининг бошланғич босқичида ушбу операциянинг келажакдаги натижаси баҳоланиши керак. Ташкилот томонидан алмашув операциясини амалга ошириш учун қилинган харажатларнинг қопланиши кутилаётган миқдори аниқланади ҳамда ушбу харажатларнинг қопланиши кутилаётган даражаси тан олинади. Алмашув операциясининг келажакдаги натижасини ишончли даражада баҳолаш имконияти мавжуд бўлмаганда даромад тан олинмайди.

Қилинган харажатларни қоплаш эҳтимоли бўлмаган тақдирда, улар зарар сифатида тан олинади.

18. Алмашув операциясидан олинadиган даромадларнинг тан оlinиши:

а) хизмат кўрсатишдан (ишни бажаришдан) олинadиган даромадларни тан олиш шартлари:

ташкilot сотиб олувчига товар эгаллиги билан боғлиқ бўлган фойда ва таваккалчиликларни ўтказганда;

ташкilotда эгаллик қилиш ҳуқуқи мавжуд бўлмаганда;

даромад кўлами ишончли баҳоланганда;

ташкilotга операция билан боғлиқ иқтисодий фойда тушганда;

қилинган ёки қилиниши кутилаётган харажатлар ишончли баҳоланганда;

б) фоизлар, лицензия йиғимлари ва дивидендлар бўйича алмашув операцияларидан тушадиган даромадларнинг тан олиш шартлари:

дивидендлар ёки уларнинг эквивалентлари — акциядорлар ёки ташкilotнинг ушбу дивидендлар ёки уларнинг эквивалентларини олиш ҳуқуқига эгаллиги аниқланганда;

фоизлар — активларнинг вақтга муносабат равишда ҳақиқий даромадлиги аниқланганда;

роялти ва лицензион тўловлар — шартнома талаблари бажарилганда.

19. Ташкilot эгаллик ҳуқуқи билан боғлиқ таваккалчиликларни ўзида сақлаб қолганда, бундай операция сотиш операцияси ҳисобланмайди ва у билан боғлиқ даромад тан олинмайди. Ташкilot эгаллик ҳуқуқи билан боғлиқ хавфларни турли сабабларга кўра қуйидаги ҳолларда ўзида сақлаб қолиши мумкин:

даромаднинг тушиши сотилган товарларнинг харидор томонидан қайта сотилишидан тушган даромадга боғлиқ бўлганда;

олди-сотди шартномасида кўрсатилган сабабга кўра харидор олди-сотди шартномасини бекор қилса ва ташкilotнинг фойда олиш эҳтимоли йўқ бўлса.

4-боб. Фоизлар, лицензия тўловлари ва дивидендлар бўйича алмашув операцияларидан тушадиган даромадлар

20. Ташкilotларнинг активларидан бошқа шахслар томонидан фойдаланилиши қуйидаги кўринишдаги даромадларни келтириб чиқаради:

фоизлар — ташкилотнинг пул маблағлари ёки уларнинг эквиваленти ҳисобланган воситалардан фойдаланганлик учун ёки ташкилотга тегишли бўлган пул маблағлардан фойдаланганлик учун;

роялти — ташкилотнинг номоддий активларидан фойдаланганлик учун (мисол учун, патентлар, савдо белгиси, муаллифлик ҳуқуқи ва дастурий таъминотлар);

ташкилот таъсисчи ҳисобланган юридик шахснинг фойдасини тақсимлашдан келиб чиққан бошқа даромадлар.

21. Ташкилотнинг активларидан фойдаланишдан бошқа шахсларга тушадиган фоиз, роялти, дивиденд ва бошқа даромадлар Стандартнинг 18-бандига асосан тан олиниши керак. Бунда ушбу даромадлар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

операция билан боғлиқ иқтисодий фойданинг ташкилотга келиб тушиш эҳтимоли бўлганида;

даромад миқдорини ишончли баҳолаш имконияти мавжуд бўлганда.

22. Инвестиция киритилмасдан ҳисобланган, бироқ ушбу инвестиция бўйича фоизлар тўланмаган ҳолларда, ундан олинган фоизлар икки давр (инвестиция киритилишидан олдин ва унинг киритилишидан кейинги давр) бўйича тақсимланади, бунда инвестиция киритилгандан кейин тушган фоизлар даромад сифатида тан олинади.

23. Даромад операциялар билан боғлиқ бўлган иқтисодий фойда ташкилотга келиб тушиши эҳтимоли бўлган ҳолатларда тан олинади. Даромадга киритилган суммани ундириш бўйича ноаниқлик мавжуд бўлганда, қайтарилмаган ёки олиш мумкин бўлмаган сумма харажат сифатида тан олинади.

5-боб. Ахборотни очиб бериш

24. Ташкилот томонидан қуйидаги маълумотлар очиб берилиши лозим:

а) даромадларни тан олиш учун қабул қилинган ҳисоб сиёсатини, шу жумладан хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш) билан боғлиқ операциянинг тугалланганлик даражасини аниқлаш учун қўлланган метод;

б) ҳисобот даврида тан олинган ҳар бир аҳамиятга эга даромадлар тоифасининг кўлами, шу жумладан:

хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш);

товарларни сотиш;

фоизлар;

роялти;

дивидендлар ёки уларнинг эквивалентидан келиб тушувчи даромадлар;

в) ҳар бир аҳамиятга эга даромад тоифасига киритилган товарлар ва хизматлар (ишлар) алмашувидан даромадлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**247** Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолияти миллий стандарти (90-сон АФМС) «Аудиторлик ташкилотларининг касбга доир хизматлари»нинг 15-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 25 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1017-1

Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги ПҚ-4160-сон «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2001 йил 14 февралдаги 19-сон буйруғи (рўйхат рақами 1017, 2001 йил 10 март) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2001 йил, 5-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолияти миллий стандарти (90-сон АФМС) «Аудиторлик ташкилотларининг касбга доир хизматлари»нинг 15-бандидан «ва муҳр билан тасдиқланади» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 27 февраль,
27-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 25 мартда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**248** Ўзбекистон Республикаси Аудитнинг миллий стандарти (16-сонли АМС) «Эксперт ишидан фойдаланиш»нинг 19.3-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
25 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 816-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги ПҚ-4160-сон «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1999 йил 27 июлда 60-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Аудит миллий стандарти (16-сон АМС) «Эксперт ишидан фойдаланиш»нинг (рўйхат рақами 816, 1999 йил 3 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 1999 й., 11-сон) 19.3-банди иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 27 февраль,
24-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 25 мартда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI MOЛИЯ BAZИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**249** Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолияти миллий стандарти (80-сон АФМС) «Махсус саволни текшириш натижалари бўйича аудитор ҳисоботи»нинг 6-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
25 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1220-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги ПҚ-4160-сон «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2003 йил 27 январдаги 13-сон буйруғи (рўйхат рақами 1220, 2003 йил 19 февраль) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2003 й., 4-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолияти миллий стандарти (80-сон АФМС) «Махсус саволни текшириш натижалари бўйича аудитор ҳисоботи»нинг 6-банди «ж» кичик бандидан «, шунингдек аудиторлик ташкилотининг муҳри (муҳр бўлган тақдирда)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 27 февраль,
26-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 25 мартда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТРАНСПОРТ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**250 Чипта-ҳисоб ва йўл варақасини тўлдириш бўйича
йўриқномага ўзгартириш киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
25 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1282-4*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги ПҚ-4160-сон «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхши-лашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **бюра-ман:**

1. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг 2003 йил 1 августдаги 108-сон буйруғи (рўйхат рақами 1282, 2003 йил 9 октябрь) (Ўзбекистон Республикасининг вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъерий ҳужжатлари ахборотномаси, 2003 й., 19-20-сон) билан тасдиқланган Чипта-ҳисоб ва йўл варақасини тўлдириш бўйича йўриқно-мининг 3-сон иловасидан «МУ (муҳр мавжудлигида)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга ки-ради.

Вазир

А. РАМАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 7 март,
1-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 25 мартда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТРАНСПОРТ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**251 Дарё транспортини техник ишлатиш қоидаларига ўзгартириш киритиш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
25 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 990-6*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги ПҚ–4160-сон «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюр-ман:**

1. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғи томонидан 2000 йил 30 ноябрда 01/960-сон (рўйхат рақами 990, 2000 йил 6 декабрь) (Ўзбекистон Республикасининг вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 23-сон) билан тасдиқланган Дарё транспортини техник ишлатиш қоидалари 80-бандининг иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. РАМАТОВ

Тошкент ш.
2019 йил 7 март,
2-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 25 мартда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТРАНСПОРТ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**252** Ташувчиларнинг юк автомобиллари учун йўл варақалари, товар-транспорт юкхатларини тайёрлаш, ҳисобга олиш, тўлдириш ва қайта ишлаш бўйича йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
25 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1382-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги ПҚ-4160-сон «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **бюро-ман:**

1. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғининг 2004 йил 3 июндаги 83-сон буйруғи (рўйхат рақами 1382, 2004 йил 2 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 26-сон, 312-модда) билан тасдиқланган Ташувчиларнинг юк автомобиллари учун йўл варақалари, товар-транспорт юкхатларини тайёрлаш, ҳисобга олиш, тўлдириш ва қайта ишлаш бўйича йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. РАМАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 7 март,
3-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 25 мартда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
транспорт вазирининг 2019 йил 7 мартдаги
3-сонли буйруғига
ИЛОВА

**Ташувчиларнинг юк автомобиллари учун йўл варақалари,
товар-транспорт юкхатларини тайёрлаш, ҳисобга олиш,
тўлдириш ва қайта ишлаш бўйича йўриқномага
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 7-банднинг тўртинчи хатбошисидаги «муҳрлари (штамплари)» деган сўзлар «штамплари» деган сўз билан алмаштирилсин.
2. 16-банднинг иккинчи хатбошисидаги «ва муҳри» деган сўзлар чиқариб ташлансин.
3. 34-банддан «ва муҳрлари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.
4. 40-банднинг тўққизинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«Кун, йил, декларациянинг тартиб рақами ва тамғанинг тартиб рақами ёзилади;».
5. 47-банднинг «г» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«г) 26 — «Юк жўнатувчининг имзоси» устунида юкни жўнатувчи ўзи томонидан йўл варақаси тўғри тўлдирилганлигини тасдиқлаб имзо чекади.».
6. 4-илованинг 26-устунидан ва 6-илованинг 25-устунидан «ва муҳри» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

**253 Туристтик йўлланма (ваучер)нинг намунавий шакли-
ни тасдиқлаш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
26 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3146*

Ўзбекистон Республикаси «Туризм тўғрисида»ги Қонунининг 13-модда-
сига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат
қўмитаси **қарор қилади:**

1. Туристтик йўлланма (ваучер)нинг намунавий шакли иловага мувофиқ
тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга ки-
ради.

Раис в. в. б.

А. АҚҚУЛОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 18 февраль,
01-мх-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 26 мартда
эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг
2019 йил 18 февралдаги 01-мқ-сон қарорига
ИЛОВА

TURISTIK YO'LLANMA (VOUCHER) _____-son

Tashkilot nomi (company name) _____

Litsenziya (license) _____-son « ____ » _____ 20 ____ y.

Tashkilot rekvizitlari (Company requisites) _____

Sotuv bo'yicha agent (Sales agent) _____ Tel/ _____

Yakka tartibda
Individual

Guruh
Group

Xizmat ko'rsatuvchi tashkilot
Service is provided by _____

Turist ismi / Guruh nomi

Tourist name / Group name _____

Mamlakat

Country _____

Turistlarning umumiy soni

Total quantity of tourists _____

Kelish sanasi

Date of arrival _____

Ketish sanasi

Date of departure _____

Bo'lish kunlar soni

Duration of stay _____ days

Ko'rsatiladigan xizmatlar ro'yxati List of services to be provided		Izoh Notes
Yashash xizmatlari / Accommodation services	<input type="checkbox"/>	
Ovqatlanish xizmatlari / Meal services	<input type="checkbox"/>	
Transport xizmatlari / Transportation services	<input type="checkbox"/>	
Ekskursiya / Gid xizmatlari / Excursion /Guide services	<input type="checkbox"/>	
Boshqa xizmat turlari / Other services	<input type="checkbox"/>	

Berilgan vaqti

Date of issue _____

Imzo

Signature _____

* Ushbu hujjat _____-son shartnomaning ajralmas qismi hisoblanadi.

* This document constitutes as an integral part of the contract

Изоҳ: мазкур туристик йўлланма (ваучер)нинг намунавий шакли иловага мувофиқ тартибда тўлдирилади.

Туристтик йўлланма
(ваучер)нинг намунавий шаклига
ИЛОВА

Туристтик йўлланма (ваучер)ни тўлдириш ТАРТИБИ

1. Туристтик йўлланма (ваучер) (бундан буён матнда ваучер деб юритилади) белгиланган тартибда рўйхатга олинган ва туристик хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш учун лицензияси бўлган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар (бундан буён матнда туристик фаолият субъекти деб юритилади) томонидан туристга (туристлар гуруҳига) берилади.

2. Ваучерда қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

а) **Turistik yo'llanma** (voucher) — туристик фаолият субъекти томонидан юритиладиган реестрга мувофиқ бериладиган ваучернинг тартиб рақами;

б) **Tashkilot nomi** (company name) — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туризм хизматларини кўрсатувчи туристик фаолият субъектининг номи;

в) **Litsenziya** (licence) — туристик фаолият субъектига туристик фаолиятни амалга ошириш учун берилган лицензиянинг рақами ва санаси;

г) **Tashkilot rekvizitlari** (company requisites) — туристик фаолият субъекти тўғрисидаги маълумотлар (манзили, алоқа маълумотлари ва бошқалар);

д) **Sotuv bo'yicha agent** (sales agent) — туристик хизматлар туризм агентлиги томонидан кўрсатилганда туризм агентлиги тўғрисида маълумотлар кўрсатилади;

е) **Tel/** — алоқа рақами, турист томонидан туристик фаолият субъекти ёки туризм агентлиги билан боғланиш мумкин бўлган телефон рақами;

ж) **Yakka tartibda** (individual) — ваучерда кўзда тутилган хизмат якка туристга кўрсатиладиган ҳолатда белгиланади;

з) **Guruh (group)** — ваучерда кўзда тутилган хизмат туристлар гуруҳига кўрсатиладиган ҳолатда белгиланади;

и) **Xizmat ko'rsatuvchi tashkilot** (service is provided by) — туристга (туристлар гуруҳига) ваучерда кўзда тутилган хизматни кўрсатувчи тадбиркорлик субъектининг номи;

к) **Turist ismi/Guruh nomi** (tourist name/group name) — туристнинг фамилияси, исми, отасининг исми ёки туристлар гуруҳининг номи. Туристлар гуруҳининг номи гуруҳ сардори фамилияси билан ва туристлар сони кўрсатилган ҳолда шакллантирилади;

л) **Mamlakat** (country) — турист (туристлар гуруҳи) доимий истиқомат қилувчи давлат номи. Туристлар гуруҳи турли давлатларда истиқомат қиладиган ҳолларда туристлар гуруҳининг асосий қисми истиқомат қиладиган давлат номи кўрсатилади;

м) **Turistlarning umumiy soni** (total quantity of tourists) — ваучер бўйича хизмат кўрсатиладиган туристларнинг умумий сони;

н) **Kelish sanasi** (date of arrival) — туристга (туристлар гуруҳига) ваучер бўйича хизмат кўрсатиш бошланган сана (кун-ой-йил);

о) **Ketish sanasi** (date of departure) — туристга (туристлар гуруҳига) ваучер бўйича хизмат кўрсатиш тугатилган сана (кун-ой-йил);

п) **Bo'lish kunlar soni** (duration of stay) — туристнинг (туристлар гуруҳининг) Ўзбекистон Республикасида бўлиш кунларининг умумий сони;

р) **Ko'rsatiladigan xizmatlar ro'yxati** (list of services to be provided) — ваучер бўйича кўрсатиладиган хизматлар рўйхати (жойлаштириш, овқатланиш, транспорт, экскурсия ва бошқалар);

с) **Izoh** (notes) — изоҳ (хизмат кўрсатиш шартлари);

т) **Berilgan vaqti** (date of issue) — ваучер берилган сана;

у) **Imzo** (signature) — туристик фаолият субъектининг раҳбари ёки имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа ваколатли шахснинг имзоси.

3. Ваучер туристик фаолият субъекти ҳамда турист (туристлар гуруҳи) томонидан туристик хизматлар кўрсатиш бўйича тузилган шартноманинг асосий қисми ҳисобланади.

4. Ваучер қўлда (тушунарли ёзувда) ёки компьютер техникасидан фойдаланган ҳолда туристга (туристлар гуруҳига) ўзбек ёки инглиз тилида расмийлаштирилиб берилади.

5. Тўлдирилган ваучер туристик фаолият субъекти раҳбари ёки имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа ваколатли шахс томонидан имзоланиб, туристга (туристлар гуруҳига) тақдим қилинади.

6. Расмийлаштирилган ваучерга тузатишлар киритилишига йўл қўйилмайди. Тузатиш киритилган ваучер ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Ваучерга ўзгартириш киритиш фақат турист (туристлар гуруҳи) ва хизмат кўрсатувчи ташкилот розилиги билан амалга оширилади.

7. Турист хизмат кўрсатиш жойига етиб келгач, унга берилган ваучерни хизмат кўрсатувчи ташкилотга топширади.

8. Туристтик фаолият субъекти ўзи томонидан берилган ваучерларнинг реестрини юритади.

9. Ваучернинг тўғри тўлдирилишига туристик фаолият субъекти раҳбари ёки имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа ваколатли шахс жавобгар ҳисобланади.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

254 Юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидаларининг 13-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 28 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2687-2

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги ПҚ–4160-сон «Жаҳон банки ва халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 16 майдаги 12/17-сон қарори (рўйхат рақами 2687, 2015 йил 22 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 25-сон, 330-модда) билан тасдиқланган Юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидаларининг 13-банди иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Нақд пул қабул қилинганда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазифаларини амалга оширувчи шахс ҳамда кассир томонидан имзоланган, кассир штампи (штамп мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган касса кирим ордери ёки касса аппаратининг изи туширилган чипта (слип) пул топширган шахсга берилади.».

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 16 март,
5/7-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 29 мартда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КАПИТАЛ БОЗОРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ АГЕНТЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

255 **Банкларнинг қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси, инвестиция активларини бошқарувчи ва инвестиция консултанти сифатида касбий фаолиятни амалга оширишига оид талаблар тўғрисидаги низомнинг 1-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
28 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1782-3*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонунларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 январдаги ПҚ-4127-сон «Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг 2008 йил 23 февралдаги 299-В, 2008-05-сон қарори (рўйхат рақами 1782, 2008 йил 2 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 14-15-сон, 105-модда) билан тасдиқланган Банкларнинг қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси, инвестиция активларини бошқарувчи ва инвестиция консултанти сифатида касбий фаолиятни амалга оширишига оид талаблар тўғрисидаги низомнинг 1-банди учинчи хатбошисидagi «Ўзбекистон Республикасининг Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 16 март,
299-В-3-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 29 мартда эълон қилинган.

**Капитал бозорини ривожлантириш
агентлиги директори**

А. НАЗИРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 16 март,
2019-18-3-сон

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2019 йил 25 мартдан 29 мартгача
бўлган маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2019 йил 28 февралдаги 1-мб-сон «2019 йил учун давлат статистика ҳисоботи шаклларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 25 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3083-1.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 16 февралдаги 3/7-сон «Тижорат банклари томонидан норезидентларнинг Ўзбекистон Республикаси миллий валютасидаги ҳисобварақларини юритиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2019 йил 25 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 510-5.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 16 февралдаги 3/6-сон «Тижорат банклари томонидан чет эл валютасидаги ҳисобварақларни юритиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2019 йил 25 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 511-12.

4. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 5 февралдаги 12-сон «Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (10-сонли БҲС) «Алмашув операцияларидан олинадиган даромадлар»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 25 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3145.

5. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 27 февралдаги 27-сон «Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолияти миллий стандарти (90-сон АФМС) «Аудиторлик ташкилотларининг касбга доир хизматлари»нинг 15-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2019 йил 25 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1017-1.

6. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 27 февралдаги

24-сон «Ўзбекистон Республикаси Аудитнинг миллий стандарти (16-сонли АМС) «Эксперт ишидан фойдаланиш»нинг 19.3-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2019 йил 25 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 816-1.

7. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 27 февралдаги 26-сон «Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолияти миллий стандарти (80-сон АФМС) «Махсус саволни текшириш натижалари бўйича аудитор ҳисоботи»нинг 6-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2019 йил 25 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1220-2.

8. Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг 2019 йил 7 мартдаги 1-сон «Чипта-ҳисоб ва йўл варақасини тўлдириш бўйича йўриқномага ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2019 йил 25 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1282-4.

9. Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг 2019 йил 7 мартдаги 2-сон «Дарё транспортини техник ишлатиш қоидаларига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 25 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 990-6.

10. Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг 2019 йил 7 мартдаги 3-сон «Ташувчиларнинг юк автомобиллари учун йўл варақалари, товар-транспорт юкхатларини тайёрлаш, ҳисобга олиш, тўлдириш ва қайта ишлаш бўйича йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2019 йил 25 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1382-1.

11. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 18 февралдаги 01-мқ-сон «Туристик йўлланма (ваучер)-нинг намунавий шаклини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 26 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3146.

12. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 16 мартдаги 5/7-сон «Юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидаларининг 13-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 28 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2687-2.

13. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Капитал бозорини ривожлантириш агентлигининг 2019 йил 16 мартдаги 299-В-3,

2019-18-3-сон «Банкларнинг қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси, инвестиция активларини бошқарувчи ва инвестиция консултанти сифатида касбий фаолиятни амалга оширишига оид талаблар тўғрисидаги низомнинг 1-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 28 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1782-3.